



# XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI  
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA 04 (110)-сон, 2006 йил 26 январь

## Муштарақ мақсадлар йўлидаги муҳим қадам

Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар раҳбарлари Давлатлараро кенгашининг Санкт-Петербург саммитида Ўзбекистон Республикаси мазкур ташкилотга расман аъзо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 24-25 январь кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб, Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Давлатлараро кенгашида иштирок этди.



Маълумки, «Марказий Осиё хамкорлиги» ташкилотининг 2005 йил 6-7 октябрь кунлари Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган саммитида МОХТ билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини бирлаштиришга келишиб олинган эди. Мазкур икки ташкилотнинг мақсад ва вазифаларини кўп жиҳатдан ўхшаш ва бир-бирига яқин. Тузилмаларнинг бирлашиши тўғрисидаги келишув эса мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти сафини яқинлаштиришига олиб келди.

Бу тўғрисида ўтган йилнинг октябрда келишувга эришилгани боис Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг эндиги саммити Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримовнинг иштирокида Президентларнинг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда асосий диққат-эътибор мамлакатимизнинг ҳамжамиятга аъзо бўлиш қарорини билан боғлиқ масалалар қаратилди. Янги шаклланиётган ҳамжамиятнинг имкониятлари кенгайтирилди, Ўзбекистоннинг салоҳияти Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги интеграция жараёнида янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Давлатлараро кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти фаолиятини янада тақомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Албатта, Ўзбекистон ҳамжамияти сафига қўшилганидан кейин ташкилотнинг маъмурият-иқтисодий механизми тубдан қайта қўриб чиқилиши мумкин. Президентлар бу ҳусусда фикр алмашар эканлар, ҳамжамиятнинг фақат иқтисодий тузилма эмас, халқаро ташкилот сифатида ҳам нуфузи ошиб бораётганини таъкидладилар.

Шу ўринда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ҳақида. 1995 йилда тузилган Божхона иттифоқи негизида ташкил топган ҳамжамиятнинг стратегик мақсадлари аъзо давлатлар ўртасида интеграцияни ривожлантиришга қаратилган. Бу мураккаб вазифа босқичма-босқич Эркин савдо зонасини ташкил этиш, кейинчалик Божхона иттифоқини тузишдан иборат. Буларнинг бarchаси ягона умумий бозор шаклланишига олиб келади. Бугун бу атаманингни ҳолияти алоҳида очишга ҳожат йўқ. Умумий бозорни таърифлаш учун ҳозирги Европа Иттифоқини мисол келтиришни ўзи кифоя. Яъни, аъзо мамлакатлар орасида ишчи кучи, товарлар ва хизматлар эркин ҳаракатда бўлади. Божхона тўловлари фақат учинчи мамлакатдан келадиган товарлар учун жорий этилади ва уллар ҳам бир марта олинади. Товарлар ва хизматлар учун ички чегаралар очиб, ташқи чегара эса умумий. Шундай бўлгач, табиийки, аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро масъулиятлилик ва айни вақтда ўзаро ишонч мустақамлашиб боради. Буларнинг бarchаси давлатлараро муносабатларни иқтисодий ҳамкорлик сифатида ривожлантириш, бошқача айтганда, интеграцияни ривожлантиришга хизмат қилади.

Бугунги воқеалар шундан гувоҳлик берадики, яқинда Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиш ҳақида, интеграцияни ривожлантиришга хизмат қилади. Бугунги воқеалар шундан гувоҳлик берадики, яқинда Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиш ҳақида, интеграцияни ривожлантиришга хизмат қилади. Бугунги воқеалар шундан гувоҳлик берадики, яқинда Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиш ҳақида, интеграцияни ривожлантиришга хизмат қилади.

Демак, МОХТ билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг бирлашиши орқали Евроосиёдаги олти мамлакат бехавотир ҳаётини таъминлаш учун баҳамжихат ҳаракат қилади. Давлатлараро муносабатларда иқтисодий манфаатдорлик ҳар бир мамлакатни ўзаро ишонччи мустақамлашга ундайди. Бу эса ўзаро ҳамкор давлатларнинг бир-бири учун хавфсизлик соҳасидаги алоқаларнинг ҳар томонлама ривожланишига олиб келади. Зеро,

халқимиз қаторда норинг бўлса, юқинг ерда қолмайди, деб бекорга айтмаган. Ўзбекистоннинг ушбу ҳамжамиятга аъзо бўлиши Евроосиё минтақасида йирик лойиҳаларни тузиш ва амалга оширишда катта аҳамиятга эга. Транспорт коммуникациялари, энергетика, халқаро савдо - булар муҳокама учун мазмув бўладиган соҳаларнинг бир қисми, холос. Айтайлик, мамлакатимизда етиштирилган пахта, чорва, қорақул, полиз маҳсулотлари 6 мевалар учун Россия ёки Беларусининг ўзи катта бозор. Мисол учун ана шундай нобев товарлар кейинчалик Россия ва Беларус орқали Европага ҳам чиқиши осонлаштириши инобатга олсак, Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини инкизиштириши янада ойдинлашади.

Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти сафидан жой олиши ҳамжамиятнинг ҳар бир аъзоси учун манфаатлидир. Мамлакатимизнинг энгил ва оғир саноат, савдо, машинасозлик, самолётсозлик, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, энергетика, коммуникация, жумладан, транзит соҳасида ва бошқа йўналишларда катта имкониятларга эга. Санкт-Петербург саммити якунида Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага қўшилиши тўғрисидаги протокол ҳамда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти Давлатлараро кенгашининг «Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага қўшилиши тўғрисида» қўшимчалар қилиниши тўғрисида, «Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши муносабати билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти органиалари фаолиятини ташкилий-мольвий таъминлаш тўғрисида», «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашувини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш тўғрисида» ги қарорлар имзоланди.



Президент Ислам Каримовнинг Россияга мазкур ташрифи асосида Ўзбекистон-Россия ҳамкорлиғига доир ва айни пайтда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги алоқаларнинг ривожига бевосита таъсир этувчи яна бир неча муҳим келишувларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқати билан Россия Федерациясининг «Газпром» очиб-қилдириш компанияси билан «Газпром» ОАЖ ўртасида Ўзбекистоннинг Устьурт минтақасидаги сарможий блоклар ҳудудларида геологик тадқиқотлар ўтказишнинг асосий таъминоти тўғрисидаги битим имзоланди.

Устьуртдаги нефть-газ конларини ўрганиш ва ўзлаштириш нўзда тутовчи бу ҳужжатларнинг умумий қиймати 660 миллион АҚШ доллари тегдир. Шу тариқа, «Газпром»нинг Ўзбекистонга қиритидаги лойиҳаси умумий ҳисобда 1,5 миллиард АҚШ долларида ошади. Мазкур икки битимнинг ҳамжамият саммити доирасида имзоланиши ушбу ҳужжатларнинг аҳамияти икки томонлама муносабатлар доирасидан анча кенг эканлиғига яна бир далилдир.

Саммит якунида бўлган матбуот анжуманида Президент Ислам Каримов Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиб қиритиши ушбу тузилманин салоҳиятини ҳар томонлама оширишни алоҳида таъкидлади. Биргина энергетика соҳасини оладиган бўлсақ, Устьурт минтақасида амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳаларнинг ўзи истикболда ҳамкорлик қилами нечоғли кенгайтиришдан эркин далолатдир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримовнинг Россия Федерациясига ташрифи ана шундай самаралар билан якунланди. Воқеалар ривожини таъминлаш учун қўшимча аҳоли билан айтиш мумкинки, умумий мақсадлар йўлида ҳамжихатлик билан ташланган бундай дадил қадамлар самараси яқин келажакда Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар халқлари ҳаётида ўзининг эркин ифодасини топиши шубҳасиздир.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА маҳсув мухбири Тошкент - Санкт-Петербург - Тошкент

О'зLiDeP фракциясида

Кеча Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси билан кенгайтирилган қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисидаги қарориди белгиланган вазифаларини бажаришда О'зLiDePнинг иштироки тўғрисидаги масала қўриб чиқилди.

## Масъуллик шаҳодати

Ўз мухбиримиз

Ушбу масала юзасидан партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М. Тешабоев ва фракция раҳбари А. Шодмоновнинг маърузалари тингланди. Нотиклар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисидаги қарориди йилнинг асосий вазифалари белгиланган берилган, жумладан, бошқа жамоат ташкилотлари қатори О'зLiDeP ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилганлигини алоҳида таъкидладилар.

Айниқса, мамлакат буйича, минтақалар, шаҳарлар ва аҳоли пунктлари миқёсида аҳолининг ижтимоий ноқур қатламлари, биринчи навбатда, ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар ва етим-есирларга аниқ моддий ёрдам кўрсатиш, уларни маънавий қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирларни янада яхшилаш, ҳомийликнинг мустақам қаролатилиши ва ижтимоий нуқтаи назардан кенг эътироф этилиши таъминлайдиган қўшимча ва меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантиришда партия ташаббускор бўлиши лозимлиги алоҳида эътибор қаратилди. Шундан сўн маърузалар буйича мажлис иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Фракция аъзоси И. Насриев ўз сўзида халқимизнинг асрлар давомида сақлаб келинган маънавий қадриятини бўлиши ҳомийликнинг ҳозирги даврга келиб янги мазмун-моҳият касб этган ҳолда янги тақдирларга тикланаётганлиги жамиятимизнинг барча қатламларини бир бирига яқинлаштириб қўйишига эътибор қаратди. — Ҳомийлик улар ўртасида меҳр-оқибатни оширади, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳимоятлиқ, саховат ва ҳиммат каби эзгу инсоний қасиқларни руҳида тарбиялайди.

Қарордан келиб чиқиб, мавжуд муаммоларни ҳал қилишда давлатга қараб ўтирмасдан ташаббусни ўз қўлимизга олишимиз, бу муҳим ҳаракатга барча партия аъзолари ва фаолларнинг жалб қилишимиз лозим.

Партия Сиёсий Кенгаши аъзоси, Олмалик кон-металлургия қўмитаси бош директори Қ. Санаккулов эса «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисидаги қарорда барча партия аъзолари учун бирдек муҳим вазифалар белгиланганлигини таъкидлади. — Уларни амалга оширишда партияимизнинг фаол иштирокини таъминлаш биринчи галдаги ишимиз бўлиши, вилоят ва туман кенгашлари билан ҳамкорликда ҳудудий дастурлар ишлаб чиқишимиз лозим. Йил охирига бориб эса бажарган савоб ишларимиз сарҳисобини қўлайлик.

О'зLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари М. Акрамова касаначилиқни ривожлантиришга оид Президент Фармонидан келиб чиқадиган вазифаларга тўқналиб, мазкур ҳужжатнинг долзарблиги, касаначилиқ ҳаракати бундан буй ҳуқуқий жиҳатдан қаролатилишини таъкидлади. — Фармондан, айниқса, сержантлар оилалар қўллаб-қувватлаш. Сабоби — энди уйда бекор ўтириб қолган кўплаб аёлларимиз иш билан таъминланадилар.

Ҳозир республикамизда жуда кўплаб тадбиркор аёллар фаолият кўрсатмоқдалар. Мен партияимизнинг «Аёллар қаноти» номидан шунга айтмоқчиманки, ҳомийлик оммавий-ижтимоий ҳаракатга айланаётган бир пайтда тадбиркорликка эндигина кириб келётган аёлларимиз манфаатлари кўпроқ эътиборга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Мажлисда сўзга чиққан О'зLiDeP фаоллари — тадбиркорлар, қўшма мажлис раҳбарлари, хусусий бизнес вакиллари ўзлари фаолият юритиётган ҳудудларда ҳомийлик тадбирларини амалга ошириб, ушбу муҳим ижтимоий жараёнда қизгин иштирок этишларини айтдилар.

Мажлиса партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракциясига «Ҳомийлик тўғрисида» ги қонун лойиҳасига партия электоратининг манфаатларидан келиб чиқувчи аниқ тақлиқларини тайёрлаш, жойларда сайловчилар билан учрашиб, мазкур қарор маъмуриятини аҳолига кенг тушутириш вазифаси юклатилди. — Иқтишошда, шунингдек, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисидаги қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, партиянинг 2006 йил ҳаракат дастури ва иш режаларига тегишли ўзгаришлар қиритиш, О'зLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар кенгашлари қоишдаги Сиёсий ўқув марказларида бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари ҳамда депутатлик гуруҳлари аъзолари учун ўтказилаётган доимий семинарлар дастурларига ўзгаришлар қиритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Узоқ ва яқин хорижда

### Хитой

### Иқтисодиётда барқарор ўсиш

ХХР иқтисодиётининг ўсиши 2005 йилда 9,9 фоизни ташкил этди, дея баёнот берди Давлат статистика бошқармасининг раҳбари Ли Дэшуй чоршанба кун Пекинда ўтказилган матбуот анжуманида. Дастлабки ҳисоб-китобга қараганда, 2005 йил якунлари буйича ялпи ички маҳсулот 18,23 триллион юанга (2,26 триллион АҚШ долларига) этган. Статистика бошқармаси раҳбари таъкидлашча, ўтган йили мамлакат иқтисодиёти «нисбатан барқарор» ривожланган. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши йил чораклари буйича 9,9, 10,1, 9,8 ва 9,8 фоизни ташкил этган. Эслатиб ўтамиз: Хитойнинг ялпи ички маҳсулоти 2004 йилда 10,1 фоиз ўсган эди.

Гар шундаки, яқинда АҚШ элчиликсига маҳсув табло ўрнатилди, 16 январь кун эса у орқали Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидан кўчирмалар ҳамда озоқлик учун турли хил курашчиларнинг фикрлари берили бошланди. Куба раҳбари митинг қатнашчиларига қарата нутқ сўзлаб, Америка маъмурларининг бундай хатти-ҳаракатини «кўпол иғвогарлик» деб баҳоллади. Қўшма Штатлар ҳозирги пайтда икки мамлакат ўртасида мавжуд бўлган озгина дипломатик алоқаларни ҳам барбод қилишга интилоқдалар, деди у.

### Куба

Гар шундаки, яқинда АҚШ элчиликсига маҳсув табло ўрнатилди, 16 январь кун эса у орқали Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидан кўчирмалар ҳамда озоқлик учун турли хил курашчиларнинг фикрлари берили бошланди. Куба раҳбари митинг қатнашчиларига қарата нутқ сўзлаб, Америка маъмурларининг бундай хатти-ҳаракатини «кўпол иғвогарлик» деб баҳоллади. Қўшма Штатлар ҳозирги пайтда икки мамлакат ўртасида мавжуд бўлган озгина дипломатик алоқаларни ҳам барбод қилишга интилоқдалар, деди у.

### Кастро бошчилигида намойиш

Гаванада Америкага қарши митинг бўлиб ўтди. Уни мамлакат раҳбари Фидель Кастронинг ўзи бошқарди. Норозилик намойиши шаҳар марказида транспорт қатновини тўхтатиб қўйди. Гап шундаки, яқинда АҚШ элчиликсига маҳсув табло ўрнатилди, 16 январь кун эса у орқали Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидан кўчирмалар ҳамда озоқлик учун турли хил курашчиларнинг фикрлари берили бошланди. Куба раҳбари митинг қатнашчиларига қарата нутқ сўзлаб, Америка маъмурларининг бундай хатти-ҳаракатини «кўпол иғвогарлик» деб баҳоллади. Қўшма Штатлар ҳозирги пайтда икки мамлакат ўртасида мавжуд бўлган озгина дипломатик алоқаларни ҳам барбод қилишга интилоқдалар, деди у.

### Афғонистон

Утган йили Афғонистонда йиғиб олинган кўнор 450 тонна героин ишлаб чиқариш учун етарли бўлди. Бу ҳолат жаҳон ҳамжамиятини қаттиқ ташвишга солмоқда, негаки, Афғонистон «нарқодавлат»га айланиб бормоқда.

### Террорчиларнинг даромад манбаи

Мамлакат президенти Ҳамид Карзай вилоятларнинг губернаторларини деҳқонларни кўнор экинни етиштиришдан тийишига қачқирди. У Кобулдаги президент саройида тўлланган губернаторларга мурожаат қилиб: «Кўнорни сотишдан тушган пулларнинг бир қисми афгон халқининг ўзига қарши ишлатилапти», — деди. «Бу пулларга портловчи моддалар сотиб олинмоқда, улардан террорчилар фойдаланишапти. Бошқача айтганда, терроризм кўнор ҳисобига гуллаб-яшанапти», — дея қўшимча қилди президент.

## Фермерлар ҳузурида

Ўз мухбиримиз

Денов туманида О'зLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор Аҳмад Назруллаев билан учрашув бўлиб ўтди. Унда 300 дан ортиқ киши иштирок этди. Очиб мулоқот чоғида тадбиркор ва фермерлар ўзларини ўйлантираётган масалалар ҳусусида атрофлиқ фикр юритдилар. Айниқса, электр энергияси ва сув таъминоти, солиққа тортиш, ер тақсими, фермерларга шелуха, шрот ва чигит ёғини етказиб бериш, тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатида олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Учрашувда туман ҳокимлиги, давлат солиқ инспекцияси вакиллари ва бошқа тегишли ташкилотлар раҳбарларининг ҳам фикр-мулоҳазалари тингланди.

## Инсон манфаати — олий қадрият

«XXI аср» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятда бўлиб ўтган «Давра суҳбати»да «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастуридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди

Кечагина матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Унда ҳомийликнинг ҳуқуқий базасини яратиб, унинг кундалик ҳаётдаги мавқеи ва аҳамиятини ошириш, ушбу жараёнда аҳоли кенг қатламлари, ишбилармон ва тадбиркорлар, мулкчилик шаклидаги барча корхона ҳамда ташкилотларнинг фаол иштирокини таъминлаш, шунингдек, тиббиёт ходимларининг иззатини ўрнига қўйиш ва моддий манфаатдорлигини ошириш, шифокорлик касбининг обрў-этиборини кўтариш борасидаги муҳим вазифалар белгиланган берилган. Шубҳа йўқки, мазкур қарор мамлакатимизда ҳомийлик ва шифокорлик фаолиятининг ҳуқуқий мақомини кенгайтириш, ушбу йўналишда қабул қилинган давлат дастурини муваффақиятли амалга ошириш, аҳоли ночор қатламларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.



## Носир ТОШЕВ

Ҳар бир янги давр ўз таллавлари ва мезонларини кун тартибига қўяди. Ҳаёт билан ҳамқадам ва ҳамнафас бўлиш учун, табиийки, жамиятда сиёсий фаоллик муҳитини шакллантириш лозим. Зеро, маънан бой, гоёвий етук шахсларна ижтимоий тараққиётни жадаллаштиришга муносиб ҳисса кўша олади. Бугунги кунда инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг марказига қўйилган ҳам беҳиз эмас.

Хўш, Ҳомийлар ва шифокорлар йилидан кўзда тутилган асосий мақсад ҳамда вазифалар нималардан иборат? Ушбу хайрли тадбирни оммавий ҳаракатга айналтириш йўлида партия айлантириш қандай ишларни амалга оширишлари лозим? Қичк бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ҳомийлик йўналишидаги интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш учун нималарга кўпроқ эътибор қаратиш талаб этилади?

Давра суҳбатида ана шу каби масалалар атрофида фикр юритилди. Унда О'зЛиДеР Тошкент шаҳар кенгаши мустақилликнинг тадбиркор ва ишбилармонлар, соғлиқни сақлаш ходимлари ҳамда таҳририят вакиллари иштирок этилди.

— Мана, ўн беш йилдирки, биз эски тузум асоратларидан халос бўлиб, овоз миллат ва мустақил давлат сифатида дунёга юз тутмоқдамиз, — дея давра суҳбатини бошлаб берди О'зЛиДеР Тошкент шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари М. Мирсадов.

— Ўтган давр халқимиз ўз эътиқоди ва мақсадларига нақадар содиқлигини яна бир қарра намойиш этди. Зеро, истиқлол йилларидагина биз миллий ўзгичлигини англадик ва том маънодаги эркин ҳаётга эришдик. Бу, шубҳасиз, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш йўлидаги энг катта ютуғимиздир.

Уларнингизга маълум, 1997 йилдан бери мамлакатимизда ҳар бир йилни муайян ном билан аташ оdat тусига кирган. Бунинг теран рамзий маъноси бор, албатта. Энг муҳими, ўтган йиллар ўзининг чуқур фалсафаси ва ижтимоий йўналиши билан истиқлолимиз тарихидан муносиб ўрин эгаллади. Эътибор беринг: «Инсон манфаатлари йили», «Ойла йили», «Соғлом авлод йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Меҳр ва муруват йили»...

Кўринадик, ҳар бир йил мактабдан узвий боғлиқ. Яъни уларни бир-биридан ажратиб қараб бўлмайди. Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг Ўзбекистон Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган ўтказилган тантанали маросимдаги маърузасида баён қилинган куйидаги сўзларни

ёдга олайлик: **«Имкониятдан фойдаланиб, кўнглимдаги яна бир гпни айтишни жоиз, деб биламан. Агарки «Сихат-саломатлик йили» бўйича қилган барча саяъ-ҳаракатларимиз лоқал битта боланининг ҳаётини асраб қолишга, лоқал битта беморнинг шифо топшига хизмат қилган тақдирда ҳам, биз 2005 йилга шундай ном беришимиз зарур ва шарт эди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз».**

Ўтган йил яқунлари юқоридаги фикрнинг ҳаққонийлиги ва ҳаётлийгидан далolat бериб турибди. Вақт — оқар дарё. Мана, 2006 йил тобора шайхдам одим ташламоқда. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида эзгу мақсад йўлидаги хайрли амаллар янги босқичга кўтарилиши, аҳолининг турмуш фаровонлиги янада ошиши шак-шубҳасиз. Бундай дейишга тўла асос бор. Халқимиз орасида феъли кенг, иймони бутун, саховатпеша инсонлар жуда кўп. Биз ҳомийлик йўналиши бўйича режа-

Асосий хулоса шундаки, Юртбошимиз ташаббуси бугун мамлакат фуқароларининг эзгу интилишларига янги куч-қувват бағишламоқда. Фарзандларим эртаси, оилам тинчлиги, дастурхоним тўкинлиги бошқача айтганда эса она Ватаним фаровонлигига ҳисса қўшиш менинг виждоний бурчим, дегувчи инсонлар кўнглида Президентимиз ташаббуси ўз акс садосини топяпти.

лаштирилган ишларни амалга оширишда, энг аввало, уларнинг кучи ва ёрдамга таянамиз. Қолаверса, партиямиз бу масалада ўзининг аниқ йўли ва стратегиясига эга. Жумладан, О'зЛиДеР Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитасининг яқинда бўлиб ўтган йиллигида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» бўйича бир талай тақдирлар ўртага ташланган. Партия фаоллари бу борада ҳам ўзига хос ташаббус кўрсатдилар.

Дейлик, Тошкент трактор заводи шифоқонаси ва 14-сонли болалар шифоқонасини капитал таъмирлаш, замонавий жиҳозлар, тиббиёт ускуналари билан таъминлаш учун «Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамияти ҳамда «Тошкент ёғ-мой комбинати» оқиб-қадимдорлик жамияти томонидан жами 300 млн. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда. Фақат шунга эмас. Янги йилда Бектемир туманидаги «Роҳат» ва «Чашма» маҳаллаларини обдонлаштириш, Ҳамза туманидаги 3-сонли оилавий поликлиника ҳамда 7-сонли юқумли касалликлар шифоқонасини, Сирғали туманидаги 7-сонли касалхонани таъмирлаш учун ҳам ҳомийлик маблағлари кенг жалб этилади.

— Фикрларингизга тўла қўйиламан, — дейди «Мирсавава» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Баҳодир Мирҳабиров. —

О'зЛиДеР Яққасарой туман кенгаши раисининг тарғибот ва ташвиқот ишлари бўйича ўринбосари сифатида жойларда тез-тез бўлиб тураман. Халқимиз партия истиқболига катта умид боғлаб, унинг сиёсий платформасини қўллаб-қувватламоқда. Бу, шубҳасиз, биз — фаоллар зиммасига алоқанда масъулият юклайди. Демократияни, билдирилган юксак ишонччи оқлаш, партия гояларини кенг оммага етказиш, жойларда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳали кўп тер тўкишимиз лозим.

Одамларни муҳим иш билан таъминлаш эканми, жамиятда боқимандалик кайфияти давом этаверади. Турли ноҳуш ҳолатларни келтириб чиқарадиган асосий сабаблардан бири ҳам шу. Истаимизми-йўқми, бугун ораимизда бева-бечоралар, етим-есир, моддий кўмакка муҳтож киши-

мақоми хусусида сўз юритаркан, куйидагиларни таъкидлади:

— Ўзбек халқи — бағри кенг, муруватли халқ. Муҳтождорлардан беминнат ёрдамини аямайдиган саховатпеша инсонлар илгари ҳам бўлган, ҳозир ҳам кам эмас. Бошқача айтганда, ҳомийлик миллатимиз табиатиға хос бўлган эзгу қадриятлардан биридир. Бу тушунча бизнинг давримизга келиб теран ижтимоий аҳамият касб этмоқда. Ўзгаларга ҳиммат кўрсатиш эътиқоди бут, қалби тоза одамларнинггина қўлидан келади. «Хайри, савоб ишларда бир-бирингиздан ўзингизга шайхнинг» дейилди. «Муқаддас Кўрбон» қаримизда. Зеро ҳомийлик бу — инсон дилидаги энг юксак, олижаноб туйғулари амалдаги ифодасидир.

Фиримча, ҳар қандай хайрия ёрдами беминнат бўлиши керак. Ана шунда унинг савобли кўпроқ тегади. Мустақиллик шарофати билан юртимизда мулкдорлар сафи кенгаймоқда. Улар ишлаб топилган маблағнинг бир қисмини эзгу мақсадлар йўлида сарфлаб, элнинг дуосини олишгапти. Бунинг фаолиятимиз ва тажрибамиз мисолида кўриб туришимиз. Ўтган йилда қурлиши ва обдонлаштириш ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Бу бизнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастурий режаларини амалга оширишга қўшган муносиб ҳиссамиз бўлади.

Кези келганда бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман. Хўш, ҳомий ким, ҳомийлик аслида қандай маънони англатади? Ҳомийлик — бу, авваламбор, меҳр-саховатли бўлиш, ўзгаларга бегараз ёрдам кўрсатиш, демокдир. Афсуски, ораимизда ҳомийликни ўзинча тушунадиганлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг назарида, мулкдор одам шахсий бойлигини қанча кўп соурса, шунча кўп «ҳиммат» кўрсатган бўлади. «Бер»-«бер»... Аслида бу собиқ тузумга хос бўлган боқимандалик кайфиятининг асоратидир. Ҳомийлик мақтов ёки ном чиқариш учун қилинмайди. Бунинг тўғри тушунишимиз лозим.

ТАҲРИРИЯТДАН: Мана, асосий гаплар айтилди. Хўш, юқоридаги фикрлардан қандай хулосалар чиқариш мумкин? Асосий хулоса шундаки, Юртбошимиз ташаббуси бугун мамлакат фуқароларининг эзгу интилишларига янги куч-қувват бағишламоқда. Фарзандларим эртаси, оилам тинчлиги, дастурхоним тўкинлиги, бошқача айтганда эса она-Ватаним фаровонлигига ҳисса қўшиш менинг виждоний бурчим, дегувчи инсонлар кўнглида Президентимиз ташаббуси ўз акс садосини топяпти.

Ва энг асосийи бу масалага онгли ёндашув, ички хоҳиш билан муносабат билдирилмоқдаки, О'зЛиДеР аъзолари ана шу ҳаракатлар ижроси учун ўзларини масъул деб билмоқдалар. Масъулият ҳиссидан нур олманган ҳаёт эса ҳеч нарсага арзимайди.



**Жиззах.** Шаҳар тиббиёт коллежида бўлиб ўтган мулоқотда асосий эътибор маънавий-ахлоқий тарбия, оилада соғлом муҳитни шакллантириш каби масалаларга муқаддас китобларимизда қандай ёндашилганлиги ҳамда бу борада ёшларимизга кенгрок тушунча ва маълумотлар беришга қаратилди. Тадбирда партия вилоят ва шаҳар кенгаши «Аёллар қаноти» фаоллари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, исломшуно муҳасабислар ва талаба ёшлар иштирок этишди. Унда таълим муассасаларидаги ёшлар ўртасида диний-маърифий, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари атрофида муҳокама қилинди.

20 январь кун партия вилоят кенгаши ўқув залида бўлиб ўтган давра суҳбатида аёлларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш масалаларига эътибор қаратилди. Партия вилоят кенгаши Фермерлар уюشمаси вилоят филиали ҳамкорлигида ўтказилган мазкур давра суҳбатида партия фаоллари, илғор тадбиркор ва фермер аёллар иштирок этишди. Унда республикамизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, бу борадаги истиқболли режалар ҳақида баҳс ва мунозаралар бўлиб ўтди.

**Тошкент шаҳри.** Ёшларни она-юрт тақдирига бегараз бўлмалика чақириш, уларда ватанпарварлик, эл-юртга муҳаббат ҳиссини кучайтириш, ҳар қандай ёт гояларга қарши тура оладиган мафкуравий иммунитетни шакллантириш ҳамда ёшларда ижтимоий-сиёсий фаолликни ошириш, ҳуқуқий онг ва сиёсий маданиятни юксалтириш орқали жамият ҳаётида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш борасидаги амалий чора-тадбирлар партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши «Ёшлар қаноти» томонидан иччил йўлга қўйилган бўлиб, бу борада туман кенгашилари ҳамкорлигида кўплаб тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бектемир туманидаги «Маърифат» маҳалласида 2005 йил кузги муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган ёшлар иштирокида ташкил этилган амалий мулоқот шулар жумласидандир. Унда ҳарбий хизматни ўтаб келган 60 дан зиёд ёшлар, партия ва маҳалла фаоллари иштирок этди. Қуролли кучлар тизимидаги ислохотларни амалга оширишда О'зЛиДеР олдида турган устувор йўналишлар ва вазифаларга атрофида тўхталиб ўтилди.

Партиянинг шаҳар ва Яққасарой туман кенгашилари томонидан «Дилбар — давр қизи» хусусий корхонасида «Президент фармонлари — амалда» мавзюида давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ийрик саноят корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонининг таъмин-моҳиятини тушутириш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан кўплаб тақдир ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Фарғона.** Мамлакатимиз аҳолисини, хусусан, хотин-қизларни миллий истиқлол гоёси руҳида тарбиялаш, интеллектуал салоҳиятини ошириш, ишбилармонлик, тадбиркорлик ва ташаббускорлик хислатларини шакллантириш Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг устувор вазифаларидан биридир. «Хотин-қизларнинг маънавий ва фаоллигини даими рақибларининг таъминлаш ва фаоллигини ошириш» мавзюиға бағишланган давра суҳбатиди ана шу масалалар иштирокчиларнинг диққат марказида бўлди.

Партия Фарғона вилоят кенгашининг хотин-қизларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги мавқеини ошириш гуруҳи томонидан ташкил қилинган ушбу тадбирда партия фаоллари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. «Ватанпарварлик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашда аёлларнинг ўрни» мавзюидаги давра суҳбати Олтириқ шаҳарчасида бўлиб ўтди.

20 январь кун партия вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази билан ҳамкорликда Фарғона шаҳар қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежиди «Сиёсий партия раҳбар ва масъул ходимлари фаолиятини ташкил этишнинг педагогик-психологик усуллари» мавзюида ўқув-семинар ўтказилди. Унда партиянинг Бувайда, Оқунбобоев, Риштон, Езёвон туманлари кенгашилари ва Фарғона шаҳар кенгаши раҳбарлари ҳамда фаоллари иштирок этишди.

**Анджон.** Мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси мазмун-моҳиятини ёшларга кенгрок тушутириш максатидида Анджон давлат университетида ёшлар форуми ўтказилди. Унда 400 нафардан зиёд талаба-ёшлар иштирок этишди. Форум доирасида «Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни» мавзюида давра суҳбати уюштирилди. Унда ҳуқуқимизнинг ёшларга оид сиёсатининг устувор йўналишлари ва аҳамияти ҳақидаги фикрлар ўртага ташланди.

Мазкур тадбирда О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси «Ёшлар қаноти» раҳбари Ш. Орипов, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси масъул ходими Ф. Ҳошимова ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти илмий ходимларининг маърузалари тингланди. Шунингдек, ушбу тадбирда вилоят «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ёшлар тараққиёти» маркази масъул ходимлари сўзга чиқиди.

Форум сўнгида санъат усталари томонидан концерт дастури намойиш қилинди.

**Сирдарё.** О'зЛиДеР Дастуриға мувофиқ партия давлатнинг ёшлар сиёсатини амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратади ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш йўлида бор кучини сарфлайди. Партиянинг Гулистон шаҳар кенгаши томонидан Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали билан ҳамкорликда ташкил этилган амалий мулоқотда айнан партиянинг ёшларга оид сиёсати ва унинг дастурий гоё ва мақсадлари ҳақида гап борди. Вилоят «Маънавият ва маърифат» марказида бўлиб ўтган ушбу тадбирда фаол ёшлар ва партия худудий кенгашилари «Ёшлар қаноти» вакиллари иштирок этдилар.

# Имконият, имтиёз ва кафолат

“Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинмоқда

Теурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида “Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари” мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда асосий эътибор шу соҳага доир қонунчиликни такомиллаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда ННТларнинг ролин ошириш, мамлакатимизда фаолият юритаётган бундай ташкилотларнинг ривожланиш истиқболларини таҳлил қилишга қаратилди.

Ушбу масалалар О'zLiDeP фракцияси аъзолари ташаббуси билан тайёрланган “Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси доирасида атрафли муҳокама қилинди. Қуйида анжуманда билдирилган айрим фикр-мулоҳазалар эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.



Акмал САЙДОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатасининг Демократик  
институтлар, нодавлат  
ташкилотлар ва  
фуқароларнинг ўзини ўзи  
бошқариш органлари  
қўмитаси раиси:

— Қонун устуворлиги асосланган фуқаролик жамиятини барпо этиш давлат сиёсатининг бош йўналишларидан бири сифатида эълон қилинади экан, бу мақсадга эришишда нодавлат нотижорат ташкилотлар тизимининг кенгайтириш, жамият ҳаётидаги роли ва маъқеи орта бориши алоҳида аҳамият касб этади.

Утган йиллар давомида ушбу соҳанинг ҳуқуқий негизини муштаҳкамлаш борасида қабул қилинган қонунлар мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, маданий-маърифий ишларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотларнинг шаклланишига асос яратди. Бугунги кунда ана шу ташкилотлар жамиятда ўзига хос ўринга эга бўлган демократик институтга айланди, уларнинг жамиятда мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал қилишдаги роли сезиларли даражада ошди, дейиш мумкин.

Шу билан бирга жамият ҳаётининг ушбу муҳим йўналишидаги жараёнлар таҳлили нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳали мустақил, барқарор, аҳолининг кенг қатламлари ишончини қозона олган ва халқ ичида илдириб ёйишга эришган серқирра фуқаролик жамияти институтига айланиши борасида бир қатор муаммолар сақланиб қолаётганлигини далолат бермоқда.

Булар қаторида, биринчидан, ННТларнинг давлат органлари билан ўзаро алоқалари етарли даражада эмаслиги, кўпгина ННТлар бошиданок фақат грантлар олиш мақсадида тузилганлиги ва аниқ мақсадли ҳаракат бўлмаганлиги туфайли тез орада ўз фаолиятини тўxtатиб қўётганлиги, иккинчидан, уларнинг етарли молиявий асосга эга бўлмаганлиги оқибатида режалаштириш тадбирларини амалга ошира олмаётганлиги, давлат-

дан ижтимоий буюртма олиш йўлга қўйилмаганлиги, аксарият ҳолларда эса лойиҳалар у-чун маблаг топиш кўникмаларининг шаклланимагани оқибатида кўпгина яхши ташаббуслари қорғозда қолиб кетаётганлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Партияимиз ННТларнинг фуқаролик жамиятини яратиш, қолаверса, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини ҳаётга татбиқ қилишдаги салмоқли ўрнини англаган ҳолда ушбу йўналишни ўз Дастури ва сайловолди платформасига алоҳида бўлим сифатида киритган ва аниқ пайтда бу йўналишда аниқ чора-тадбирлар асосида иш олиб бормоқда. Хусусан, ўтган йилнинг май ойида бир қатор ННТларнинг ташаббуси ва О'zLiDePнинг кўллаб-қувватлаши асосида мамлакатимизда илк бор Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси тузилди. Июнь ойида эса Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини кўллаб-қувватлаш фондига асос солинди. Давлатимиз раҳбарининг мазкур фонди кўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарори эса масаланинг нечоғлик муҳим эканлигини кўрсатади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз аъзолари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва биринчи ўқишда маъқулланган “Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам ушбу соҳадаги ишларнинг мантиқий давомидир.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши шу пайтгача ўз ечимини кутаётган бир қатор масалалар, хусусан, ННТлар фаолияти кафолатларининг ҳуқуқий асосларини, уларнинг моддий ва молиявий базасини муштаҳкамлаш учун янги имкониятлар яратади. Лойиҳада илк бор ННТларни кўллаб-қувватлаш борасида давлат кафолатлари, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати, ННТлар фаолиятини текшириш учун асослар ва унинг тартиби, ННТлар фаолиятига турли идоралар томонидан ноқонуний аралашувларни чеклаш ҳолатлари аниқ белгилаб қўйилган. Айниқса, ННТларга давлат буюртмаларининг берилиш тартиби, уларни олиш учун танловларнинг ташкил этилиши ва бошқа тартиб-қоидалар ўз аксини топганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу ўринда яна бир муҳим масалани таъкидлаш лозим: ўтган йилнинг август-сентябрь ойларида О'zLiDePнинг парламентдаги фракцияси аъзолари томонидан республикамизнинг барча ҳудудларида мазкур қонун лойиҳаси муҳокамага бағишланган давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда 700 дан ортиқ ННТ вакиллари иштирок этдилар. Мунозараларга бой бўлган ушбу учрашувларда 2000 га яқин тақдирлар мулоҳазалар билдирилди.

“Жамиятимизда нодавлат, жамоат ташкилотларининг, аввало, фуқаролик институтларининг ривожланишига кенг имкониятлар очиб бериш ва уларнинг фаоллигини оширишга кўмак ва ёрдам кўрсатиш даркор”.

Ислом КАРИМОВ.

Шуниси эътиборга молики, ҳалигача ана шундай фикр-мулоҳазаларни олмақдамиз. Бу эса жамиятимизда, айниқса, фуқаролик жамияти институтларида ушбу қонун лойиҳасига бўлган қизқиш юқорилигини далолат бермоқда.



Акмал САЙДОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатасининг Демократик  
институтлар, нодавлат  
ташкилотлар ва  
фуқароларнинг ўзини ўзи  
бошқариш органлари  
қўмитаси раиси:

— Демократик тараққиёт таърифи нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш фуқаролик жамияти руҳининг муайян омилидирдан бири эканлигини кўрсатади. Шу маънода Ўзбекистонда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари манфаатини ифодаловчи ана шу нодавлат нотижорат ташкилотларнинг нуфузи ва таъсирини оширишга катта эътибор қаратилаётган.

Шу жиҳатдан 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги қонунда нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш тартиби, рўйхатдан ўтказиш ва фаолият турлари масалаларига асосий эътибор қаратилган бўлса, янги қонун лойиҳаси ана шу ташкилотлар фаолиятининг кафолатларига бағишланди.

Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг бир гуруҳ аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Қонунчилик палатаси муҳокамага киритилди ва партия бу борада маълум маънода фахрланишга ҳақли. Партиянинг жойларда мазкур қонун лойиҳаси муҳокамага юзасидан олиб бораётган саъй-ҳаракатларини ҳам таъкидлаб ўтиш ўрилли, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўша мажлисидаги маърузаларида “...шуни ҳам таъкидлашга тўғри келадики, уларнинг айримларини, аввало турли хомийлик кўмагида тузилган нодавлат нотижорат ташкилотларини текшириш натижалари шуни кўрсатадики, бундай ташкилотлар фаолияти улар рўйхатдан ўтиш чоғида тақдир этган низоми ва дастурлари доирасидан анчагина четга чиқиб кетмоқда ва муайян буюртмага асосланган мақсадларни кўзламоқда.

Табиики, биз бундай ҳолатлар билан муроца қила олмаимиз. Қонунчиликнинг зид бўлган бу каби лойиҳаларнинг Ўзбекистонда келажакда йўқ эканини айтишга ҳожа т бўлмас керак, деб ўйлайман” деб алоҳида эътироф этган эдилар. Қонун лойиҳасини тайёрлашда, биринчи навбатда, Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 10 мартдаги “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида”ги қарори асос бўлиб хизмат қилди. Албатта, лойиҳани тайёрлашда

миллий қонунчилик, хорижий тажриба ва мавжуд халқаро андозаларга таянилди.

Ушбу йўналишдаги қонун деярли бирорта давлатда учрамастлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Буни аксарият хорижий давлатларнинг миллий қонунларида асосан фақат ННТларнинг ташкилий жиҳатлари қаратилган ҳолда улар фаолиятининг мазмуни ва кафолатларига катта эътибор берилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу маънода мазкур қонун мамлакатимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислохотлар кўламини янада кенгайтириш ва самардорлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир.




Муҳаммадилқом  
ИҲДОШОВ,  
О'zLiDePнинг Олий Мажлис  
Қонунчилик палатасидаги  
фракцияси аъзоси:

— Нодавлат нотижорат ташкилотлар давлат билан жамият ўртасидаги кўприқдир. Улар бугунги кунда жамиятимизнинг кўпгина аъзолари учун фуқаролик фаоллигини амалга ошириш, иқтисоди ва салоҳиятини рўйбга чиқариш, қолаверса, ўзлари истаган йўлда фаолият юритиб, ўз келажақларини ўз қўллари билан яратиш имконини берувчи муҳим воситага айланди.

Шу ўринда бир жиҳатни алоҳида қайд этиб ўтмоқчи эдим. Шубҳасиз, ННТлар жамиятда демократик қадриятлар қарор топишини тезлаштирад ва муштаҳамлайди. Лекин жамиятнинг қанчалик демократлашуви ННТлар сонининг ортиб боришига боғлиқ эмас. Аниқроқ айтганда, ННТларнинг оз ёки кўплиги демократия даражасини ифодаламайди. Демократик тамойиллар қарор топишининг муҳим омили фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, ННТларнинг самарали фаолиятидир. Демократик тамойиллар қарор топишининг муҳим омили фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, ННТларнинг самарали фаолиятидир. Демократик тамойиллар қарор топишининг муҳим омили фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, ННТларнинг самарали фаолиятидир.

Янги қонун лойиҳаси республиканинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро яқин ҳамкорликда ҳамда уларнинг ҳар томонлама кўллаб-қувватлаши натижасида ишлаб чиқилганлигининг ўзи янгиликдир. Бу ҳам давлат ва жамиятнинг ўзаро ҳамкорлик қилишга тайёргарлиги юксак даражада эканлигини далолат беради.



Инқилоб ЮСУПОВА,  
Республика Болалар  
жамғармаси раиси:

— Парламентимиз депутatlари, унда энг катта фракцияни ташкил қилган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

фаоллари билан мамлакатимизда фаолият юритаётган ННТлар вакилларининг бугунги мулоқоти, менинг фикримча, жамиятимизда қарор топаётган демократик тамойилларнинг яна бир кўринишидир.

Менимча, биз кўпроқ ННТларнинг давлат органлари ўртасидаги ҳамкорлигига жиддийроқ эътибор қаратишимиз керак. Бизда ана шу соҳада сузташлик сезилмоқда.

Тажрибамдан бир-иккита мисол келтириб ўтсам. Республика Болалар жамғармаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги ёрдамида кўча болаларни ҳимоя қиладиган (мактабга, ота-онага қайтариш) “Меҳр таянчи” деб номланган марказ тузганмиз. Марказ 3 йилдан бери ишламоқда. Бу қисқа даврда тарбияси оғир, мактаб ва ота-онадан узоклашиб қолган кўплаб болалар соғлом ҳаётга қайтарилди. Ёки бошқа мисол: жамғармамиз ташаббуси билан вилоятлар, туман ҳокимликлари ёрдамида республикамизнинг турли ҳудудларида 12 та ишлаб чиқариш маркази ташкил этилган. Бу марказларда ижтимоий ҳимояга муҳтож 400 дан ортиқ аёл ишга эга бўлди. Бу ҳам давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик маҳсулидир.

Қонун лойиҳасига доир тақлифларимга келсак, қонунга давлат органларига доир модда киритилса, унда ННТлар билан ҳамкорликни кучайтириш бўйича давлат органларига ҳам муайян мажбурият юксатса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.



Гулнора ЭШОНХОНОВА,  
Нодавлат нотижорат  
ташкилотлар миллий  
ассоциацияси раиси  
ўринбосари:

— Бугунги семинар нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари учун соҳада мавжуд муаммо ва камчиликларни очиб муҳокама қилиш, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаб олиш имкониятини яратди.

“Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси эса ННТлар йўлида тўсиқ бўлиб турган айрим муаммолар ечимини тезроқ топишимизга ҳисса қўшишига ишончим комил. Бундан ташқари ННТлар вакиллари қонун лойиҳаси муҳокамаларида фаол иштирок этиб, уни такомиллаштириш юзасидан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришмоқда. Улар ушбу қонун қабул қилинганда, албатта, ННТлар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатишига ишон билан қарашмоқда.

Мен парламентнинг кўпчилик овозига эга Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоларидан мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида бугунги семинарда билдирилган тақлифларга эътибор қаратишларини истадим.

О'zLiDeP матбуот хизмати

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг вазирликлар ва бошқа мутасадди идоралар вакиллари иштирокидаги навбатдаги мажлисида дастлаб касаначиликни ривожлантиришга қаратилган Президент Фармонини ҳаётга татбиқ этиш чоралари юзасидан Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг махсус қарори асосида кенг тушунириш ишлари олиб бориш режалаштирилганлиги таъкидланди.

## Муҳокамада: долзарб масалалар

Ўз мухбиримиз

Фракция аъзолари саноат корхоналарининг касаначиларга зарур хом ашё ва материалларни етказиб бериши асосида оилавий пудрати ривожлантириш фуқароларга вақтдан унумли фойдаланиш, шу билан бирга паст рентабелли ва кўп меҳнат талаб қилинадиган маҳсулотларнинг айрим турларини уй шароитида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имкониятини яратишни, бу ўз навбатида йирик корхоналар иш самардорлигини ошириш ёрдам беришини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Мажлисда депутатлар Ўзбекистон Республикасининг “Хавфи ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунни лойиҳаси билан танишдилар. Фракция аъзоси Т. Назаров ўз чиқишида хавфли объектлардаги фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш амалиётини авари оқибатларини тугатиш чораларидан кўра кўпроқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратиш зарурати юзага келганлигига эътибор қаратди.

Ушбу янги қонун лойиҳасига мувофиқ саноат



хавфсизлиги ҳам энди ҳуқуқнинг муқтақил соҳаси қилиб белгиланди ва ажралиб чиқадди.

Шундан сўнг мажлисда Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан ишлаб чиқилган “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинганлиги муносабати билан бошқа айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган, деб топил ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Мазкур лойиҳани депутатлар С. Жабборов ва А. Тўхташев тақдим этдилар.

Маълумки, “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ўтган йил сентябрь ойида Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган эди. Шунинг учун тақдим этилган лойиҳада қонун ташаббускорлари алоҳида тоифадаги ишларни кўриш ва улар юзасидан қабул қилинган қарорларни ижро этиш самардорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Фуқаролик-процессуал ва Хўжалик-процессуал кодексларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, Фуқаролик-процессуал кодексининг қатор ҳуқуқий нормалари кучини йўқотганлиги ҳақида тақлиф киритмоқдалар.

Шунингдек, мажлисда “Тиббиёт фаолияти ва беморларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизациялаш дастурини амалга ошириш мақсадида ҳамда мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгиланган қоида ва хулосалар асосида ишлаб чиқилган таъкидлаб ўтилди.

Қонун лойиҳасининг аҳамияти шундаки, унда нафақат беморларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми белгилаб берилган, балки тиббиёт ходимларининг ҳатоси туфайли беморларга етказилган зарар учун жавобгарлик келиб чиқиши ҳолатлари ҳам назарда тутилган.

Мажлисда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2005 йилги фаолият тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда 2006 йилга белгиланган фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақидаги ва фракция ҳаётига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

О'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

ДАВРА СУҲБАТИ

# Бунёдкорлик

Она Ватанамиз — Ўзбекистон мустақиллик йилларида ҳар бир дақиқаси бунёдкорлик руҳи билан суғорилган том маънодаги тарихий даврни босиб ўтди. Янгилик ва эскилик ўртасидаги кураш, ўз умрини ўтаб бўлган тузумдан эркин ва озод жамиятга ўтиш йўлидаги мураккаб синовларга қарамай, юртимиз ўзи танлаган мустақил тараққиёт, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти куриш йўлидан дадил одимламоқда.

Ана шу даврда қўлга киритилган ютуқлар ҳақида сўз кетганда, айтиш жоизки, бунинг асосий сабаби Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини аниқ ва қатъий белгилаб олганидир. Халқимиз хоҳиш-иродаси ва мақсад-муддolariни яққол ифода этадиган бу йўлнинг маъно-мазмунини собиқ иттифоқ ҳудудида пайдо бўлган айрим давлатлар қабул қилган турли дастурлар каби маъхум ва мураккаб бўлмай, аниқ ва тушунарли эди. Шунинг учун ҳам у юртдошларимиз қалбидан чуқур жой олиб, дунёда "Ўзбек модели" деган ном билан эътироф этила бошланди.

### Киёмиддин НАЗАРОВ

Ўзбек модели машҳур беш қоида — беш тамойилга асослангани бугунги кунда ҳаммага яхши маълум. Бу тамойилларнинг ҳар бири ўтган йиллар мобайнида ҳаёт синовларидан ўтиб, янада чуқур маъно касб этгани ва яхлит ҳолда тараққиётимиз стратегиясини белгилаб келаётгани ҳам барчага аён. Лекин уларнинг қайси бири ҳақида гапирмайлик, бир ҳақиқатга қайта-қайта иқдор бўламиз: Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов томонидан тарихимизнинг бурилиш палласида ишлаб чиқилган, ўзаро узвий боғлиқ бўлган бу тамойиллар катта ҳаётий тажриба, юксак сиёсий ва фалсафий тафаккур маъхулидир.

Бугунги кунда ҳар бир юртдошимиз онига чуқур сингиб, ҳаётимиз қоидага айланган кетган "Давлат — беш ислохотчи" тамойили ҳақида фикрни эсга олайлик: "... Мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур. Давлат бутун халқнинг манфаатларини қўзғаб ислохотлар жараёнини ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаш, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва суверен давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил рўйбга чиқариши керак".

Бу сўзларда ана шу тамойилнинг моҳияти ўзининг теран ифодасини топган. Маълумки, мураккаб ўтиш даврида фақат давлатгина уюшган куч сифатида майдонга чиқади. Бу пайтда сиёсий партиялар ҳам, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам ҳали кунга тўлмаган бўлиб, фақат давлатгина халқни бирлаштириши, уни олға бошлайди, янгиликларга қарши бўлган консерваторларнинг қаршичилигига қалқон бўлиши мумкин эди. Фақат давлатгина жамият ҳаётини тубдан ўзгартиришга қаратилган янги-янги дастурларни илгари суради ва уларни амалга ошириш учун зарур манбаларни топади. Бир сўз билан айтганда, давлат ислохотлар жараёнининг ташаббускори бўлиб майдонга чиқади, у ўтказилаётган ислохотлар орқали халқнинг улкан салоҳиятини ишга солади, одамлар учун кулай шароитлар яратиб беради. Бунинг натижасида эса унинг ўзи ҳам сифат жиҳатидан янгилашиб боради.

Маълумки, ҳар қандай ўтиш даврининг мураккаб қонуниятлари кучли ижтимоий сиёсат юритиш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини муттасил қўллаб-қувватлашни тақозо этади. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилаётгани ва бу соҳада халқимизнинг миллий турмуш тарзинга мос самарали тизим яратилгани, бу борадаги тажрибаларимиз бошқа давлатларда ҳам катта қизиқтириш уйғотаётгани давлатнинг бош ислохотчилик функцияси Президентимиз томонидан нақадар тўри ва оқилона белгиланганининг амалий исботи бўла олади.



Бугунги кунда жаҳон майдонида пайдо бўлган ёш давлатларнинг жамиятни тубдан ислох қилиш борасидаги бир-бириникига ўхшашмайдиган излиниш ва тажрибалари бир ҳақиқатни яққол намоян этди. Яъни мамлакатни ислох қилиш, эркин бозор муносабатларини шакллантириш бўйича турли тараққиёт дастурлари ва моделларини қўллаш мумкин. Лекин уларни рўйбга чиқариш, амалга оширишнинг аниқ тамойиллари, самарали йўл-йўриқлари, мустаҳкам қафолатлари бўлмаса, ҳар қандай модел ва дастурлар қуруқ гоёлар йиғиндисидан иборат бўлиб қолаверадилар.

1. Жаҳон майдонида пайдо бўлган ёш давлатларнинг жамиятни тубдан ислох қилиш борасидаги бир-бириникига ўхшашмайдиган излиниш ва тажрибалари бир ҳақиқатни яққол намоян этди. Яъни мамлакатни ислох қилиш, эркин бозор муносабатларини шакллантириш бўйича турли тараққиёт дастурлари ва моделларини қўллаш мумкин. Лекин уларни рўйбга чиқариш, амалга оширишнинг аниқ тамойиллари, самарали йўл-йўриқлари, мустаҳкам қафолатлари бўлмаса, ҳар қандай модел ва дастурлар қуруқ гоёлар йиғиндисидан иборат бўлиб қолаверадилар.
2. Фуқароларнинг сиёсий маданиятини юксалтириш, сиёсий фаоллигини ошириш ва бошқарувда уларнинг иштирокини фаоллаштириш;
3. Кўппартиявийлик тизимини қарор топтириш, сиёсий партиялар фаолиятини жонлантириш учун шарт-шароит яратиш;
4. Нодавлат ва жамоат ташкилотларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш;
5. Оммавий ахборот воситаларининг жамиятнинг демократ-лаштириш жараёнидаги ролини кучайтириш;
6. Давлат бошқаруви тизимини янада ислох қилиш ва такомиллаштириш;
7. Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, жамиятга очиқлик ва ошкораликни таъминлаш.

Мустақиллик даврида сўз эркинлигини таъминлаш вази-фаси оммавий ахборот воситаларининг жамиятнинг демократ-лаштириш жараёнидаги ролини фаоллаштиришни тақозо этади. Оммавий ахборот воситалари эркин ва мустақил бўлган тақдирдагина жамиятнинг барча соҳалари, барча жараёнлар тўғрисидаги ифода этилиши мумкин. Бинобарин, оммавий ахборот воситаларининг "тўртинчи ҳокимият" сифатидаги эркинлигини кафо-латлаш, шу орқали жамоатчи-ка асосда шаклланган миллий парламентаризм — Олий Мах-лис Қонунийлик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги "Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлашти-риш ва янгилаш, мамлакатни модернизиация ва ислох этиш-ди" номли маърузада мустақил-лик йилларида кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилаёт-гани ва бу соҳада халқимиз-нинг миллий турмуш тарзинга мос самарали тизим яратил-гани, бу борадаги тажрибалари-миз бошқа давлатларда ҳам кат-та қизиқтириш уйғотаётгани дав-латнинг бош ислохотчилик функцияси Президентимиз то-монидан нақадар тўри ва оқило-на белгиланганининг амалий ис-боти бўла олади.

Албатта, давр ўтиши билан бу ҳулоса замон талаблари, ислохот тажрибалари асосида янги-янги гоё ва қарашлар билан бойиб бормоқда. Айниқса, мамлакатимиздаги кенг қўлам-ли ислохотлар тўғрисидаги янги-янги фикрларнинг миллий парламентаризм — Олий Мах-лис Қонунийлик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги "Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлашти-риш ва янгилаш, мамлакатни модернизиация ва ислох этиш-ди" номли маърузада мустақил-лик йилларида кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилаёт-гани ва бу соҳада халқимиз-нинг миллий турмуш тарзинга мос самарали тизим яратил-гани, бу борадаги тажрибалари-миз бошқа давлатларда ҳам кат-та қизиқтириш уйғотаётгани дав-латнинг бош ислохотчилик функцияси Президентимиз то-монидан нақадар тўри ва оқило-на белгиланганининг амалий ис-боти бўла олади.

1. Конституция ва қонуларга амал қилинишини, яъни

лар боқичма-боқич амалга оширилиб, ижобий натижалар бермоқда. Хусусан, сўнгги пай-тда давлат бошқаруви орган-ларининг вазифалари тубдан қайта қўриб чиқилгани, эски маъмурий-буйруқбозлик тизи-мига хос, ўз умрини яшаб бўлган ортқича бўгин ва вазифалар, биринчи галда, тақсим-лаш функциялари кескин тар-зда қисқартирилгани, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ўртасидаги ваколатлар аниқ белгилаб қўйилгани шундан далолат беради.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти социал омилларнинг устунилигини устувор масала сифатида бирин-чи поғонага кўтариб, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг энг мақбул механизми жорий этил-ди. Ижтимоий ҳимоя ҳақиқатан ҳам ёрдамга муҳтож аҳолини қамраб олган. Бунга ўзини ўзи бошқариш институти ҳисоблан-ган маҳаллалар орқали эри-шилмоқда.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек улуг мақсадни амалга ошириш, ав-вало, маънавий омил билан ўз-вий боғлиқ, албатта. Маънавий-ят — миллатнинг ўтмиши, бугу-ни ва келажagini белгилайди-ган асосий мезон. Шу боис истиқлолнинг илк кунларида-ноқ халқимиз маънавиятини юксалтириш, маънавий-маъри-фий ва таълим-тарбия соҳа-ларини ислох этиш, ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук, баркамол ва маърифатли этиб тарбиялаш масаласига давлат сиёсати да-ражасида эътибор берилмоқда.

Жамиятни демократлашти-риш ва ислох этишда миллий истиқлол гоёси билан боғлиқ масалаларга мустақилликнинг дастлабки кунларида ноқило-ҳида аҳамият қаратилмоқда. Юртбошимиз асарларида мил-лий истиқлол гоёси мамлакат тараққиётининг гоёвий тамой-иллари тўғрисидаги яхлит на-зария сифатида таърифлаб бе-рилган, уни халқимизнинг ишонч ва эътиқодига айлан-тириш масалалари атрофича ёритилган.

Миллий истиқлол гоёси, ав-вало, халқни, аҳолининг турли қатламлари, мамлакатимиздаги хилма-хил қарашдаги киши-лар, сиёсий партияларни юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати йўлида бирлашти-рувчи таъсирчан маънавий омилдир. Бу борада Президен-тимизнинг "... сиёсий парти-ялар халқни, миллатни қадим-қадимдан бирлашти-риб келаётган муштарак гоёлар ҳам борлигини дои-мо эсда tutishi зарур. Шу боис улар ўз манфаатлари-ни ҳимоя қилишда бир-бири-га рақиб ёки мухолифат бўлиши мумкин, лекин го-на Ватан, ягона халқ манфа-атлари ҳақида гап кетганда ҳаммаси бир мушт бўлиб бири-бирини даркор. Бугун-ги кунда бизнинг юртимиз-да миллий истиқлол гоёси ана шундай бирлаштирувчи куч бўлиб ҳисобланади" деган фикрларини эсга олиш ўринлидир.

Дарҳақиқат, миллий истиқ-лол гоёси юртимизга четдан таҳдид солаётган, халқимиз, айниқса ёшлар онгини захар-лашга, эл-юртимизни танлаган йўлидан қайтаришга интилайт-ган гаразли мақсадларни қўзловчи ёвуз қулларга қарши туришда маънавий таянч вази-фасини ўтамоқда. Бу гоё энди-ликда халқимизни ҳеч ким, ҳеч қачон қарам қила олма-слигининг тимсолига айланиб, тур-ли "демократия режиссёрла-рининг" гаразли мақсадлари-га қарши туришда юртдошлари-мизга маънавий куч бермоқда, фуқароларимизни хайрли иш-ларга сафарбар этмоқда.

Бугун бир ҳақиқат тобора аён бўлмоқда, яъни мамлака-тимиз ҳаёти, келажagini ҳеч ким четдан келиб, бегагарз таъ-минлаб бермайди. Юртимиз нимагаки эришса, ўз кучи ва салоҳияти билан эришади. Бунда бош ислохотчи бўлиб келаётган, ўтган суронли ва мураккаб йиллар давомида бу вазифани адо этиб, халқимиз-нинг ишончини қозонган дав-латимиз бундан буён ҳам мус-таҳкам таянч ва суянч бўлиб қолаверадилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Бухоро вилоят кенгашида мамлакат Президентининг "Йирик sanoat қорхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят партия кенгашининг раиси Ислам Зокиров бошқарди.

## Касаначилик: муаммо ва ечим

Асхор ИСТАМОВ

Йиғилишда сўзга чиққанлар йирик sanoat қорхона-лари билан касаначилар ўртасида кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш оила бюджети даромадларини ошириш, иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини кескин қисқартириш имконини беражagini алоҳида таъкидладилар. Айни кун-да йирик sanoat қорхоналари билан меҳнат шартномаси асосида иш олиб боровчи касаначилар фаолиятини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Янги Фармонда бу бо-радаги муҳим вазифалар белгилаб берилган. Меҳнат қонуничилигини такомиллаштириш, касаначилар ижтимо-ий ҳимояси ва меҳнати муҳофазасини таъминлаш, аҳоли-ни уй меҳнати фаолиятига кенг жалб қилиш ана шулар жумласидандир.

Йиғилишда сўзга чиққан "Тадбиркор аёл" вилоят уюш-маси раиси Дилбар Аҳмедова, "Хўнарманд" ассоциация-си раҳбари Ориф Қодиров, республика Оқсоқоллар кен-гаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Бехбуд Жумаев, "Совга" зардўзлик маркази бо-шлиги Бахшullo Жумаев, "Соғлом авлод учун" жамғарма-си вилоят бўлими раиси Мунира Саъдуллаева ва бошқа-лар жойларда касаначиликни ривожлантириш юзасидан ўз фикр-мулохазаларини баён қилиб, амалий тақлифла-рини ўртага ташладилар. Кенгаш йиғилишида партия ҳаётига оид бошқа маса-лалар ҳам қўриб чиқилди.

O'zLiDeP Қашқадар вилоят кенгаши ёшлар ўртасида гоёвий-сиёсий ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу масалага бағишлаб ўтказилаётган учрашув ва мулоқотлар йиғилганларда катта таассурот қолдираётган.

## Ҳамкорликни кучайтириш ЛОЗИМ

Сайфулла ИКРОМОВ

Жумладан, O'zLiDeP вилоят кенгаши ташаббуси билан Қарши шаҳридаги С.Насафий номли вилоят кутубхо-насида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилган "Ёшлар-нинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни" мазмундаги давра суҳ-бати қизиқ баҳс ва мунозараларга бой бўлди. Уни ФЖВИ вилоят филиали раҳбари Турсун Чориев олиб борди.

O'zLiDeP аъзолари, "Камолот" ёшлар ижтимоий хара-кати вилоят кенгаши фаоллари, ННТ мутасаддилари иш-тирок этган давра суҳбатиди Тадбиркорлар ва ишбилар-монлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик парти-яси Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Сайдалиев, ФЖВИ "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёш-ларнинг роли" лойиҳаси раҳбари Ойбек Жумаев, Ўзбе-кистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий асси-циацияси раисининг ўринбосари Нигора Фафорова сўзга чиқдилар.

### Маҳмуд САЙДАЛИЕВ:

— Бизнинг партияимиз миллий келажagini бўлган ёш ав-лоднинг етук ва билимдон инсонлар бўлиб ўлғайишлари учун бор куч ҳамда имкониятлардан фойдаланмоқда.

Ёшларнинг сиёсий маданиятини ошириш, жамият ҳаёти-да уларнинг фаол иштирокини таъминлаш олдимишда тур-ган долзарб вазифалардан биридир. Йигит-қизларнинг пухта билим олишлари, жисмоний тарбия ва спорт билан доимий шуғулланишлари учун катта ғамҳўрлик кўрсатил-моқда. Икки йилдирки, битирувчиларнинг "Нурли оқшом" тадбири партия кенгаши ташаббуси ва ҳомийлигида ўтқа-зилмоқда.

### Ойбек ЖУМАЕВ:

— Институтиимиз томонидан ишлаб чиқилаётган лойи-ҳалар асосан ёшлардаги интеллектуал қобилиятни аниқ-лаш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, касб-хўнар ўрганиш-лари учун зарур шарт-шароит яратишни кўзда tutadi.

Бу борадаги шарт-шароит янада кенгайтириш, куч ва имкониятларни бирлаштириш зарур деб ўйлайман. Ушанда биз қўзлаган мақсадларимизга эришамиз.

### Нигора ҒАФФОРОВА:

— Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбе-кистон Либерал-демократик партияси ташаббуси билан "Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг қафолатлари тўғри-сида" қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги барчага яхши маълум. Ўтган йили ННТлар ташаббуси ва O'zLiDePнинг фаол иштироки билан ННТ Миллий ассоциацияси тuzил-ган эди. Кейинчалик улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш фондига асос солинди. Нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат уюшмалари фуқаролик институтилари эркин демократик жамиятнинг ўзига хос қўрнини бўлиб, уларни ривожлантиришдан биринчи навбатда ёшлар манфаатдор-дирлар.

ФАРМОН ВА ИЖРО

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

ЭЪТИРОФ



# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА



«XXI ASR» IJTIMOY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI



## ЭЪТИҚОДИ МУСТАҲКАМ ИНСОНЛАРНИ ХЕЧ ҚАНДАЙ КУЧ ЕНГА ОЛМАЙДИ

### ДАХЛДОРЛИК

АГАР ХАР БИР ПАРТИЯ АЪЗОСИ ЎЗИНИ ЖАМИЯТ ОЛДИДА БУРЧЛИ ДЕБ ХИСОБЛАСАГИНА, УНИНГ ТАРАҚҚИЁТИГА МУНОСИБ ХИССА КЎША ОЛАДИ

Меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 2-болалар санъат мактабида оддий ўқитувчиликдан бошлаган София Якубова бугунга келиб нуфузли санъат даргоҳларидан бирини бошқармоқда. Республика «Ишбилармон аёл» ассоциацияси аъзоси, O'zLiDeP Ҳамза туман аёллар қаноти раҳбари сифатида жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок этаётир.



Шуҳратбек олган суратлар

**Сайёра ТУРҒУНБОВЕВА**

— София опа, сиртдан қараганда санъат ва сиёсат бир-бирига яқин соҳалар ҳисобланса-да, аслида орада муайян фарқ ҳам бор. Демокриманки, ташкилотчилик фаолиятингиз давомида уларнинг бири иккинчисига ҳалакит бермаётганими?  
— Очиги, туман маданият ишлари бўлимида O'zLiDeP бошланғич ташкилотини тузиш таклифи билан чиққанимда, баъзилар худди шунга ўхшаш му-

сиёсий ҳаракат ушбу соҳа вакилларига таяниб фаолият юритиши шарт.  
— Сиз бевосита ёшлар билан ишлар, экансиз. Бошланғич ташкилот раис сифатида партиянинг ёшлар сиёсатига қандай баҳо берган бўлардингиз?  
— Билим даргоҳимизда 250 нафар иқтидорли талаба ўзбек миллий, анъанавий ҳамда классик чолғу асбоблари, тасвирий санъат ҳамда хореография сирасорларини ўрганишгапти. Биз умуммиллий мусиқа ва санъатдан таълим бериш билан бирга

ларининг тарихи, санъатимиз дурдоналари, машҳур маданият арбоблари ҳақида маълумотлар бериб борилади.  
— Мактабда мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим саналар билан боғлиқ тадбирлар ҳам ўтказиладими?  
— Юқорида таъкидлаганимдек, асосий фаолиятимиз санъат билан узвий боғлиқ. Шу боис юртимизда кенг нишонланадиган байрам тантаналарида концерт дастурларимиз билан иштирок этамиз. Шунингдек, ўқувчиларимизни маҳалла, муассаса ва ташкилотларда ўтказиладиган тадбирларга таклиф этиб туришадим. Туманимиздаги кўзи ожизлар интернати билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Ушбу муассасада 75 нафар ногирон, иқтидорли болалар таълим оладилар. Биз уларни моддий томондан ҳам қўллаб-қувватлаб тураемиз. Интернат тарбияланувчилари республика миқёсида ўтказилган мусиқий танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келишгапти. Бу борада жамоамиз аъзоларининг муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Лекин ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Ташкилотимиз ҳисобидан турувчи 12 нафар O'zLiDeP аъзоси ҳар соҳада яқин ёрдамчимизга айланган.  
— Бошланғич партия ташкилотининг фаолиятини намунали ташкил этиш учун кўпроқ нимага эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайсиз?  
— Албатта, партия ғояларини аҳоли онгига сингдириш, шунингдек, белгилаб олинган устувор вазифаларни ҳаётага тағбиқ этишда бошланғич ташкилотларнинг ўрни беқийсдир. Бирок, уларнинг ҳаммаси ҳам қутилган даражада иш олиб бораёпти, деб бўлмайди. Сабаби битта: ташкилот раисларида тажриба ва маънавий ахлоқ бўлади.  
Ваҳоланки, партия етакчиси ташаббускор ва ташкилотчи бўлгандагина омма унинг ортидан эргашади. Акс ҳолда ўтказилаётган тадбирлардан амалий наф қуттиш қийин. Фирқимизга, O'zLiDeP шаҳар кенгаши қошидаги сиёсий ўқув маркази фао-



**София ЯКУБОВА**  
1955 йилда Қозоғистон Республикасида туғилган. Тошкент Давлат консерваториясини тамомлаган. 1988 йилдан бўён Ҳамза туманидаги 6-болалар санъат мактаби раҳбари. Туман маданият ишлари бўлими бошланғич партия ташкилоти раиси.



лоҳаза билдиришганди. Бугун эса ўшанда бироз иккиланган ҳамкасбларим партия ишида менга яқиндан кўмак бермоқдалар. Зеро сиёсатни ҳам, санъатни ҳам жамият ҳаётидан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, санъат — миллат кўзгуси.  
O'zLiDeP Дастурида миллий маданиятимиз ва азалий қадриятларимизни асраб-авайлаш, янада ривожлантириш масаласига алоҳида аҳамият берилган. Демокриманки, ўз олдида эзгу мақсадларни қўйган ҳар бир

ёшлар онгига миллий мафкурамиз мазмун-моҳиятини сингдириш, яъни уларни Ватанга муҳаббат, садоқат ва эзгулик руҳида тарбиялашни бош вазифамиз, деб биламиз. Шу боис, машғулотлар давомида миллий урф-одатлар, қадриятлар, бой маънавий меросимиз асосларини ўргатишга алоҳида эътибор қаратилаёпти. Масалан, «Ватан менинг назаримда», «Ватаним рамзлари» каби мавзуларга тез-тез мурожаат қиламиз. Шунингдек, мусиқий дарсларда миллий чолғу асбоб-

Авалло, бошланғич ташкилот фаолияти билан танишиш жараёнида бу ерда юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатилаётган хизмат турлари билан қизиққанимиз бежиз эмас эди. Маълум бўлишича, банкда имтиёзли кредит ахратиш яхши йўлга қўйилган. Биргина ўтган 2005 йилда пахта ва ғалла етиштириш учун 22 млрд. 288 млн. сўм миқдорига маблағ йўналтирилганлиги эътиборга моликдир.

даният, партия ишини ташкил этиш, мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеалар хусусида атрафлиҳа фикр юритилаёпти. Қолаверса, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарор ва йўриқномалари, партияимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолияти билан яқиндан таништириб бораёғимиз.  
Хулоса қилиб айтганда, А.

## ПАРТИЯВИЙ ИНТИЗОМ

БЎЛГАН ЖОЙДА ИШ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИ ОШАВЕРАДИ

**Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» муҳбири**

Шунингдек, фермер хўжалиқларига культиватор, трактор ва бошқа техник воситалар сотиб олиш учун лизинг хизматлари кўрсатиш ҳам диққат марказида. Факторинг хизматидан эса асосан юридик шахслар фойдаланмоқда. Эндиликда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, бухгалтерлар ҳам пластик карточкалардан, шунингдек, валюта алмаштириш шохобчалари имкониятларидан тўла фойдаланмоқдалар.

Дарвоқе, атрофига 11 нафар O'zLiDeP аъзосини бирлаштирган бошланғич партия ташкилотининг ўз фидойилари ва фаоллари бор. Масалан, кадрлар бўлими мута-

Тошпўлатов ва унинг ҳамкасблари энг аввало партиявий интизом ва бурчга виждонан ёндашиб, омма ўртасида O'zLiDePнинг обрў-эътиборини ошириш йўлида астойдил изланаётдилар. Бу уларнинг кундалик фаолияти мисолида яққол намоён бўлиб турибди.



**Алишер ТОШПЎЛАТОВ**  
1999 йилда Тошкент

«**Партия мопия ва банк тизимида иspoҳотпарни чуқурлаштириш, такомипашган бозор инфратузилмасини яратишга жиддий эътибор қаратади. Банкпар сармояпаш жараёнининг муҳим бўғини бўлиши, корхонапар ва тадбиркорлик тузилмалари ривожланишидан манфаатдор бўлган содиқ ҳамкорга айланиши керак.**».

O'zLiDeP Дастуридан.

хассиси Наргиза Юсупова, халқаро банк фаолияти бўлими бошлиғи Эркин Рўзиёев, банкининг Бухоро шаҳар бўлими бош ҳисобчиси Зарина Каримова, қурилиш лойиҳаларини кредитлаш бўлими бошлиғи Азим Аҳмедов миқдорларга ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Партия фаоллари А. Тошпўлатов етакчилигида корхона ва ташкилотларга ҳомийлик ёрдами кўрсатишни ҳам эътибордан четда қолдиришмаяпти. Жумладан, ўтган йили Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 30 млн. 320 минг, мактаблар фондига 3 млн., виллоят теннис федерациясига 3 млн. сўм миқдорига маблағ ўтка-

партия аъзолари ва фаолларининг ҳиссаси салмоқли бўлаяпти. Улар партия йиғинлиларида ўзларини тўлқинлантириб турган масалаларни ўртага ташлаб, юртимизда юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқеаларга фаол муносабат билдирмоқдалар.  
Бошланғич ташкилот хонасида партия ишини ташкил этишга оид зарур ҳужжатлар, сиёсий адабиётлар билан бафуржа танишиш имконияти яратилган.  
— Ғоявий чиниқиш янги ютуқлар гаровидир, дейди Алишер Тошпўлатов. — Шу маънода жойларда сиёсий ўқувларнинг ташкил этилиши айни муддао бўлди. Машғулотлар давомида сиёсий ма-

**Мопия институтини тамомлаган. Акциядорлик-тижорат «Пахтабанк»нинг Вобкент туман, Бухоро шаҳар бўлимларида ишпаган. 2005 йил август ойдан «Пахтабанк»нинг Бухоро вилоят бўлими қишлоқ хўжалигини кредитлаш ва мониторинг қилиш бўлими бошлиғи, O'zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.**

# ФАОЛ СИЁСИЙ КУЧ

## ЖАМИЯТДА ХАМ ЎЗ НУФУЗИГА ЭГА БЎЛАДИ

Акциядорлик-тижорат "Пахтабанк"нинг маъмурий идорасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси бошланғич ташкилоти биринчилар қаторида ташкил этилган эди. Айни кунда у ўз сафида кўплаб фаол, ташаббускор инсонларни бирлаштирган бўлиб, сиёсий етуклик сари интилмоқда.

зеталарда чоп этилган мақола-ларни муҳокама этишдан бошлаймиз. Шундан сўнг навбат бошқа масалаларга келади. Ташкилотимизда 130 нафар аъзо ҳисобда туради. Уларнинг аксарияти ўз соҳасининг етуқ мутахассисларидир. Шу туфайли ҳар бир йиғилишимиз мазмунли, фикр-мулоҳазаларга бой бўлади.

Маълумки, бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатнинг тараққиёти кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг нечоғли изчил ҳамда барқарор фаолият кўрсатишига кўп жиҳатдан боғлиқ. 2005 йилнинг ўзида Президентимиз томонидан эркин меҳнат фаолиятини ривожлантиришга қаратилган бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Натижада ҳўжалик юритувчи субъектлар учун кўплаб қўлайликлар яратилди. Аммо бу — тадбиркор олдида ҳеч қандай муаммо қолмади, дегани эмас. Иш бор жойда камчилик



Султонова Феруза  
Олган суратлар

### ■ Феруза СУЛТОНОВА

— Партия аъзоларининг сиёсий онгини ошириш, уларни жамоат ишларига фаол жалб этиш, шунингдек, мамлакатимиз ва бутун дунёда юз бераётган эвришиллардан бохабар қилиб туриш бошланғич ташкилотнинг муҳим вазифаларидан биридир, — дейди биз билан суҳбатда Иброҳим Ҳақимов. — Шунга эришиш керакки, жамоанинг бошқа аъзолари партия фаолларидан ўрнат олишсин, мавжуд муаммоларни ҳал этишда уларга таяниб иш кўришсин.

Кўзланган мақсадларга эришиш, табиийки, ҳар биримиздан алоҳида ғайрат ва ташаббускорликни талаб этади.

Одатда биз ўз йиғилишларимизни аввало, "XXI asr" ва бошқа ижтимоий-сиёсий га-



**Иброҳим ҲАКИМОВ**  
**1952 йили Кўқон**  
**шаҳрида туғилган.**  
**Маълумоти — олий.**  
**Мутахассислиги —**  
**иқтисодчи. Бугунги**  
**кунда республика АТ "Пахтабанк"ни**  
**"Банк методологияси маркази"нинг**  
**директори, O'zLiDeP бошланғич партия**  
**ташкilotи раҳбари.**

бўлади. Жумладан, хусусий тадбиркорлик вакилларини уйлантираётган масалалар ҳам йўқ эмас.

— Мамлакатимизда валю-

та биржасини ташкил қилишда асосий мақсад — хориждан товар олиб келадиган тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрса-

тиш, конвертация муаммосини ҳал этишдан иборат эди. Бунга эришилди, — дейди Иброҳим ака. — Аммо юридик шахс мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркор юқоридаги имкониятлардан фойдалана олмайди. У ўз муаммосини фақат валюта айирбошлаш шохобчалари орқалигина ҳал этиши мумкин. Бу эса тадбиркорга ҳар жиҳатдан зарар келтиради. Биз бошланғич ташкилот йиғилишида ушбу масалани бир неча бор кўтариб чиқиб, муҳокама қилдик ва уни ижобий ҳал этиш юзасидан ўз тақлифларимизни тайёрладик. Натижа аҳли бўлишига ишонамиз. Чунки ортимизда O'zLiDeP катта сиёсий куч турибди. Бинобарин, унинг атрофига янада маҳкамроқ жипслашиб, олға томон дадил интилишимиз лозим.

O'zLiDePнинг Чилонзор туман кенгаши раиси ўринбосари Абдунаби Муҳримов маз-

кур бошланғич партия ташкилоти фаолияти ҳақида тўхталиб, жумладан, куйидагиларни таъкидлади:

— "Пахтабанк" жамоасида партия аъзолари сафи кенгайиб бормоқда. Туманда ўтказиладиган барча сиёсий тадбирларда улар бош-қош. Иброҳим Ҳақимов етакчилигида партия фаоллари айни пайтда туман ҳудудидаги кўплаб спорт жамоалари, соғлиқни сақлаш муассасаларида оталиқ қилишяпти. Боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга хомийлик ёрдами кўрсатилмоқда.

Дарҳақиқат, шундай. Бошланғич ташкилотларни бежиз партиянинг қон томирларига қислашмайди. Зеро O'zLiDeP олдида турган мақсад ва вазифаларни тўлақонли рўёбга чиқариш ҳам кўп жиҳатдан жойлардаги бошланғич ташкилотларнинг жанговарлиги ва сиёсий етуқлигига боғлиқдир.

# ТАЯНЧ БЎҒИН МУСТАҲКАМ БЎЛСА...



— Партиянинг таянч бўғини, яъни бошланғич ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама кучайтирмай, кўзланган мақсад ва вазифаларга эришиб бўлмайди. Айниқса, жамиятимизда мавжуд кўппартиявийлик шароитида ҳар бир партия меҳнат жамоалари, турар-жойларда ўз хайрихоҳларини кўпайтириш, таъсир доирасини кучайтиришга интилаётган бир пайтда қуйи ташкилотларнинг роли ва ўрни алоҳида аҳамиятга моликдир, — дейди Аҳмаджон Мамажонов суҳбатимиз аввалида.

### ■ Одилжон ИНОМОВ, «XXI asr» муҳбири

Тиббиёт тизимидаги 37 йиллик фаолиятнинг 26 йилни айнан вилоят урология марказида ўтказиётган муҳир шифокорнинг ҳаётий тажрибаси кўпчиликка ибрат бўлса аргизулдикир. Одамлар дардига малҳам бўлиб, улар орасида катта ҳурмат ва эътибор тоналган шифокор O'zLiDeP ташкил тоналган дастлабки кезлардаёқ унга аъзо бўлиб, партия фаоли сифатида жамият ҳаётида янада кизгин иштирок эта бошлади.

Аҳоли эса ушбу жонкуяр инсонга катта ишонч билдириб, уни халқ депутатлари Наманган шаҳар кенгашига депутат этиб сайлади. Муассаса раҳбаридан ўрнат олган Умиджон Йўлдошев, Ёлгормирза Нурматов, Аҳмаджон Мамажонов, Муқаддасхон Дадабоева сингари 10 нафар тиббиёт ходими ҳам O'zLiDePга аъзо бўлишди. Шу аснода 2005 йилнинг ноябрь ойида жамоада партиянинг таянч бўғини шаклланди.



— Марказимизда 60 нафардан ортиқ тиббиёт ходимлари меҳнат қилади. Жамоамизда демократик муҳит мавжудлиги учун ҳар ким ўзи хоҳлаган партияга аъзо ёки хайрихоҳ бўлиши мумкин, — дейди O'zLiDeP фаоли Умиджон Йўлдошев. — Лекин биз марказимиз ҳамда жойларда партиянинг Дастурий мақсад ва голяларини кўпроқ тарғиб қилаётганимиз боисданми, сафимиз тобора кенгайиб бораёпти.

Вилоят аҳолиси ўртасида шифокорлар борасида гап кетганда, урология маркази ҳақида доим илқ фикрларни эшитиш мумкин. Бунинг сабаби бор, албатта. Марказ ходимларининг аҳиллиги, касбларига чин дилдан меҳр қўйганликлари туфайли обрў-эътибори жойида. 100 ўринга мўлжалланган мазкур муассасада 60 ўринли катталар, 20 ўринли болалар ҳамда алоҳида аёллар урологияси бўлимлари ишлаб турибди. Уларда беморларга таъхис қўйиш, даволаш ва профилактика хизматлари аъло даражада ташкил этилган.

Ҳинда марказга баҳоси 250 минг АҚШ доллари турадиган замонавий ташхис аппарати келти-

риб, ўрнатилди. Эндиликда буйрак тошларини тигиз майдалайдиган, Германиянинг "Доринье Медтек" корхонасида ишлаб чиқарилган "Литотриптор компакт X" аппарати асоратли хасталикка чалинган беморларни даволашда юқори самара бераёпти.

— Марказимизда жарроҳлик ҳамда пластик амалиётлар тажрибали шифокорлар томонидан амалга ошириляпти, — дейди бошланғич ташкилот раиси Аҳмаджон Мамажонов. — Ўтган "Сихат-саломатлик йили"да аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш билан биргаликда, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга имтиёзли хизмат кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. "Хомийлар ва шифокорлар йили"да эса кам таъминланган оилаларга бир миллион сўмликдан зиёд тиббий ёрдам кўрсатишни режалаштирганимиз. Бундан ташқари, болалигидан ногирон беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш ишларини айнан марказ ҳисобидан амалга ошириш чора-тадбирларини ҳам ишлаб чиқдик. Шунингдек, ўзим депутат бўлган 8-Янги ҳаёт сайлов округи ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари қoшида аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш хоналарини ташкил этидик. Айни пайтда ҳафтада уч мартаба беморлар малакали врачлар иштирокида тиббий кўриқдан ўтказиляпти. Текширувлар жараёнида шифокоримизда муолажа қилиниши зарур, деб топилган беморларни марказга келтириб даволяямиз.

— Партиянинг жамиятдаги нуфузини ошириш борасида ҳали жуда кўп ишларни амалга оширишимиз керак, — дейди партия етакчиси. — Рўй-рост гапирадиган бўлсак, ҳали кўплаб бошланғич ташкилотларимизда партиявий жанговарлик, масъуллик етишмапти. Номингагина бошланғич партия ташкилотлари тузиб, икки-учта ҳужжатлар жамламасини тикиб қўйиб юрганлар ҳам йўқ эмас. Партиявий ишда расмиятчилик кетмайди. Биз ўз фаолиятимизни ана шу нуқтаи назардан ташкил этишга ҳаракат қилаямиз. Чунки таянч бўғини мустаҳкам партиягина жамиятда ўз мавқеига эга бўлади.



### Аҳмаджон Мамажонов

**1947 йилда Наманган**  
**туманининг**  
**Тошбулоқ**  
**қишлоғида**  
**туғилган. 1969**  
**йилда Янгижон**  
**Тиббиёт**  
**институтининг**  
**даволаш**  
**факультетини**  
**тамомлаган. Яйни**  
**пайтда Наманган**  
**вилоят урология**  
**маркази бош**  
**шифокори,**  
**O'zLiDeP**  
**бошланғич партия**  
**ташкilotи раиси.**  
**Халқ депутатлари**  
**Наманган шаҳар**  
**кенгашининг**  
**депутатидир.**

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг бош нашри — "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетасининг ҳар бир сонини синчиклаб ўқиб бораман. Айниқса, партия турмушига оид мақоалалар, хусусан, бошланғич партия ташкилотлари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган иловада берилётган мақоалалар менда кўпроқ қизиқиш уйғотади. Уларни ўқиш асносида республикамизнинг турли бурчакларида фаолият кўрсатаётган бошланғич ташкилотлар етакчилари ва фаоллари билан ғойибона танишиш, қўлга киритаётган ютуқлари, йўл қўяётган камчиликларини таҳлил қилиш имкониятига эга бўламан.

■ Нодира ХУДОЙБЕРДИЕВА,  
Шаҳрисабз шаҳридаги «Пахлаво» тиббиёт-таъхис маркази шифокори, O'zLiDeP аъзоси

# ПАРТИЯМИЗ КЎЗГУСИ

Бошланғич ташкилотларни партиянинг таянч бўғинлари, деб бежиз айтишмайди. Менга қолса уларни партиянинг кўзгуси, деб атаган бўлардим. Чунки одамлар айнан бошланғич ташкилотлар ва уларнинг аъзолари амалга ошираётган ишларга қараб ҳулоса чиқарадилар.

Шу маънода ўзим ишлаётган жамоа ва бошланғич ташкилотимиз ҳақида ўз мулоҳазаларимни ёзиб юборишга жазм этдим. Жамоа ва ташкилотни бирдай тилга олаётганимга хайрон бўлманг. Боиси, тиббиёт-таъхис марказимизда ишловчиларнинг барчаси O'zLiDeP аъзоларидир. Бошланғич ташкилотимизга эса марказнинг етакчи мутахассиси, олий тоифали шифокор Абдулла Йўлдошев раислик қилади. Жамоамиз раҳбари Улоҳ Ярашев етуқ мутахассис бўлишдан ташқари вилоятда таниқли тадбиркорлардан бири ҳисобланади. Аслида у кишининг ташаббуси туфайли марказимиз қoшида бошланғич партия таш-



килотни тузилган. Шифокорлар Карим Норов, Раъно Гулматова, Дилором Собировалар ташкилотимизнинг энг фаол аъзоларидир.

Янги йил арафасида мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасини ўрганишга бағишлаб ўтказган йиғилишда маъруза мазмун-моҳиятини аҳолига кенг тушунтириш, шунингдек, «Хомийлар ва шифокорлар йили»да амалга оширишимиз лозим бўлган вазифалар режасини ишлаб чиқдик. Унга кўра ўтган давр ичида қатор маҳаллаларда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказдик. Уларга бевосита марказимиз раҳбари ва бошланғич ташкилот раиси бош-қош бўлди.

2006 йил биз — тиббиёт ходимлари учун алоҳида масъулияти йилдир. Шу боис йил давомида амалга оширадиган ҳар бир тадбиримизга партия фаолларини масъул этиб тайинладик. Масалан, марказимиз раҳбари, O'zLiDeP вилоят кенгашининг аъзоси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Улоҳ Ярашев бошлиқ гуруҳ тумандаги "Мўминобод" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Авазмалик", "Хўжабоғ", "Абед" қишлоқлари аҳолиси турмуш тарзини яқиндан ўрганиш, мавжуд муаммоларни бартаф этишга қаратилган ташкилий масалаларни ҳал этиш, бошланғич ташкилот раиси Абдулла Йўлдошев етакчи бўлган гуруҳга қишлоқ мактабларидаги аҳолини ўрганиш, оналар ва болалар саломатлигига оид тадбирлар ўтказиш вазифалари юқлатилди. Айни кунларда жойларда ушбу режани амалга оширишга қизгин киришганимиз.

Масалан, "Авазмалик" қишлоғидаги акушерлик-фельдшерлик пунктида шароит етарли эмаслиги ҳудуддаги кам таъминланган оилаларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва муолажага муҳтожларни даволашни ўз зиммамизга олдик. Шунингдек, юқорида таъкидланган шифокорна ҳам С. Айний номли мактабни қайта таъмирлаш бўйича сайёҳаракатлар бошлаб юборди. Жойларда ўтказиётган тадбирларимиз чоғида аниқланган ёрдамга муҳтож оилаларни бевосита ўз марказимизда даволашни йўлга қўйдик.

Ҳуллас, бошланғич ташкилотимиз фаолиятида ҳам бошқалар ўрнат олса арзийдиган, ўз тажрибасида қўлласа бўладиган ишлар талайгина. Агар бошқа партия аъзолари ҳам газетамиз орқали амалга ошираётган ишлари, эришяётган ютуқлари, мавжуд муаммолар ҳақида маслақдошлари билан ўртоқлашсалар фойдадан холи бўлмасди.

Аслида ушбу мактубни тахририятга йўллашдан мақсадим ҳам шундан иборат эди.

Илова учун масъуллар:  
Носир ТОШЕВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ.

# Дастур ижроси амалда

Илгари хабар қилганимиздек, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 18 октябрда бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлиси баённомасида пахта хом ашёсидан олинган чигит ёғи, кунжара, шелуха ва бошқа маҳсулотларни жойларга етказиб беришни ташкил қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб қўйилганди. Вилоятда ушбу қарорга мувофиқ 2005 йилги пахта ҳосилидан олинган ёғ, кунжара, шелухани фермер хўжалиқларига етказиб беришни таъминлаш юзасидан ҳаракат дастури тайёрланди ва ҳозирги вақтда у амал қилаяпти.

## Примкўл ДҮСТМАТОВ, «XXI asr» мухбири

Бугунги фермерларимизнинг кўпчилиги яратиб берилаётган ана шундай шароитларга кўра хориждаги ҳамкасбларидан қилишмаяптилар.

Фермер истаса, лизинг йўли билан техника олапти, қудрати етса, ерини кенгайтирмоқда, Айниқса, экин мавсумида, ниҳолларни парвариш қилиш даврида минерал ўғитлар, ёнилги-мўйлаш материаллари фермер хўжалиқлари уюшмаларида ташкил қилинган шохобчаларга, кўпинча эса бевосита фермернинг даласига етказиб берилаяпти. Бундан ҳамма хурсанд ва мамнун.

Сирдарё воҳаси туманларида, фермер хўжалиқлари уюшмаларида пахта ёғи, кунжара, шелуха ва хўжалик совуни тарқатувчи алоҳида шохобчалар иш бошлади. Айниқса, Оқолтин туманида бу янги амалиёт яхши самара бермоқда. Масалан, Усмон Носир номи, «Фаргона» ва «Сардоба» фермер хўжалиқлари уюшмаларида талабга ҳар тарафлама жавоб берадиган шохобчалар ташкил қилинган.

Сардоба кўрғонидagi 15-шохобча иш бошлаганида ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Ҳозирги вақтда мазкур шохобча «Сардоба», К. Уқубоев, А. Тоиров номи, «Анджон» фермер хўжа-

ликлари уюшмаларидаги 339 та фермерга намунали хизмат кўрсатмоқда. Шохобчада собиқ «Сардоба» хўжалигига қарашли бўлган эски омбор тўлик таъмирланди. Унда кунжара, шелуха, чигит ёғи, шунингдек, хўжалик совуни жойлаштирилган маҳсул бўлинмалар ташкил этилди.

Мухими шундаки, зарур ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштирилган, тўловни белгиланган муддатда амалга оширган фермер эндиликда узок йўл юриб, ёнилги ва шахсий маблағини ортқча сарфлаб, Гулистон шаҳридаги ёғ заводига ҳафталаб қатнамайди, аввалгидек сарсонун саргардон бўлма-




НОМИ, Уқубоев, А. Тоиров номи, «Анджон» фермер хўжа-

япти. Ҳужжатларни шохобча ҳисобчиларига топширади-да, ўзига тегишли чигит ёғи, кунжара, шелуха, ҳатто совунга ҳам шохобчанинг ўзидан олиб кетавради.

Омборхона мудри Орзиқул Абдусаматов, ҳисобчи Азимбой Чўтбоев, тарқатувчи Омонкул Абдусаматовнинг қўли-қўлига тегапти. Улар фермерларга маҳсулотларни пешма-пеш тарқатиб беришяпти. Кунжара, шелуха ва бошқа маҳсулотларни ортқиш, туширишда ҳеч қандай муаммо йўқ. Бу ишларни 6-7 нафар одам бажармоқда. Шохобчаларга бўлган транспорт хизмати тўловларини «Гулистонэкстрат» акциядорлик жамияти ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширапти.

**Фермер эндиликда узок йўл юриб, ёнилги ва шахсий маблағини ортқча сарфлаб, Гулистон шаҳридаги ёғ заводига ҳафталаб қатнамайди, аввалгидек сарсонун саргардон бўлмаяпти.**

Шохобчада маҳсул вагон-уй дам олишга мўлжалланган. Сертификатлаш, низомий йўриқнома қондалари кўринадиган жойга осиб қўйилган. Катта ва кичик тарозилар ўрнатилган бўлиб, улар сертификатлаш рўйхатидан ўтказилган. Шохоб-



НОМИ, Уқубоев, А. Тоиров номи, «Анджон» фермер хўжа-



НОМИ, Уқубоев, А. Тоиров номи, «Анджон» фермер хўжа-

чи раҳбари Орзиқул Абдусаматовни суҳбатга тортидик.

— **Айтинг-чи, ишларни қандай ташкил қилаяпти?** Фермерлар шохобча фаолияти хусусида қандай фикр-равлар?

— Ҳозирча 180 нафардан ортқ фермер ўзига тегишли маҳсулотларни олиш бўйича зарур ҳужжатларни расмийлаштириб, бекаму кўст топширдилар. 95 киши ўзига тегишли маҳсулотларни олиб бўлди. Захирада 40 тоннадан

зоиҳ кунжара, 85 тонна шелуха, 2,5 тонна чигит ёғи бор. Уларни фермерларга тарқатишни бир hafta ичида тугаллаймиз.

Шохобча мудри бизга алоҳида жаҳвални кўрсатди. Унга кўра, ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари «Сардоба», К. Уқубоев номи фермер хўжалиқлари уюшмаси фермерлари ўз маҳсулотларини олишяпти. Сешанба ва жума кунлари эса «Анджон», А. Тоиров номи фермер хўжалиқлари уюшмалари фермерларига маҳсулотлар тарқатилади. Бирорта ҳам фермер навбат кутиб қолиб, вақтини беҳуда ўтказмайди.

Илгор фермерлар 15-20 тонналаб кунжара, 500-1000 килобаб чигит ёғи олмақдalar. Шундай қулай шароит яратиб берилган; меҳнатда унум, кўрсаткичлар салмоқли бўлди-да.

Шохобча мудри бизга алоҳида жаҳвални кўрсатди. Унга кўра, ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари «Сардоба», К. Уқубоев номи фермер хўжалиқлари уюшмаси фермерлари ўз маҳсулотларини олишяпти. Сешанба ва жума кунлари эса «Анджон», А. Тоиров номи фермер хўжалиқлари уюшмалари фермерларига маҳсулотлар тарқатилади. Бирорта ҳам фермер навбат кутиб қолиб, вақтини беҳуда ўтказмайди.

Ортқимизда амалга оширилаётган ислотларга муносиб ҳисса қўшишга интиляётган тадбиркорларга ҳар томонлама кўмак бериш, хусусан, улар билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин бўлган хорижий ҳамкорларни топшишда амалий ёрдам кўрсатиш палатамиз олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Бошқармаимиз саъй-ҳаракати билан ўтган йил кузида Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шаҳрида ўтказилган «14-халқаро ташқи савдо-иқтисодий ярмаркаси»да вилотиимиздан 10 нафар тадбиркор иштирок этди. Унда Наманган шаҳридаги «Кумуш тала» МЧЖ пилла чиқиндисини қайта ишлашчи ҳамда чинини буюмлар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил этиш юзасидан «Тангрэкут» экспорт-импорт компанияси билан келишув имзоланди. Пекин шаҳрида ўтказилган «Хитой замонавий табиий асбоб-ускуналар халқаро кўргазмаси»да вилотиимиздан табиёт соҳасида фаолият юритаётган 2 нафар тадбиркор қатнашди. 2005 йил 12 декабрда пойтахтдаги «DEDEMAN» меҳмонхонасида ўтказилган Ўзбекистон ва Корея ишбилармонлари учрашувига аъзоларимиздан 2 нафари иштирок этиб, Жанубий Кореянинг Йирек компаниялари билан амалий алоқалар ўрнатилган эришди.

— **2005 йил тадбиркорлар йили бўлди, дейиш мумкин. Чунки айнан ўтган йилда Президентимиз томонидан хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, ҳукуқий ҳимоялаш бўйича қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бошқарма уларни амалиётга татиқ этиш бўйича қандай тадбирларни амалга оширдилар?**

— Мамлакатимиз Президентининг бозор ислотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётини янада эркинлаштириш юзасидан қабул қилган фармон ва қарорлар мазмун-моҳиятини тадбиркорларга тушунтириш мақсадида кўргазмали семинарлар ташкил этилди.

## ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТ

# Тадбиркорга елкадош

Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг салмоғи йил сайин ортиб бормоқда. 2004 йилга келиб, ушбу тармоқнинг республикамиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 35,6 фоизни ташкил этгани фикримиз далилидир. Нисбатан қисқа даврда шаклланиб, эндиликда ишлаб чиқаришнинг етакчи бўғинларидан бирига айланган ушбу сектор ривожига бошқа ташкилот ва идоралар қаторида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда унинг жойлардаги бўлинмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Куйида муҳиримизнинг Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Наманган вилоят бошқармаси бошлиғи, O'zLiDeP вилоят кенгаши аъзоси Анваржон ОТАХҲАЕВ билан суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз.

### Суҳбатдош: Ином ОДИЛОВ

— Бугун мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий тарихида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юртдошларимизнинг алоҳида ўрни бор. Масалан, бизнинг вилотиимиз оладиган бўлсақ, якунланган йилда аъзоларимиз сони 400 га яқинлашди. Айни пайтда вилотиимизда 120 та микрофирма, 40 та қишқ ва 11 та йирек корхона, 1 та уюшган аъзо, 300 нафарга яқин жисмоний шахслар биз билан ҳамкорликда фаолият юритмоқдалар. Утган йили бошқарманинг шаҳар ва туманлардаги Ахборот-маслаҳат марказларида 2439 нафар бўлажак тадбиркор хусусий иш бошлаш, ташкил этган корхонасини рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидалари бўйича ташкил этилган маҳсул курсларда таълим олди. Ўзбекистон Банклар ассоциацияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва ЮСАИДнинг «Тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаси» ҳамкорлигида 2005 йил 12 февраль куни Фаргона шаҳрида ўтказилган «Молиявий хизматлар» 2-курғазмасида вилотиимиздан 31 нафар тадбиркор ҳамда шу соҳага дахлдор ташкилотларнинг вакиллари қатнашди. Наманган шаҳридаги «Лола» савдо марказида озик-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларининг баҳорги-ёзи мавсумий ярмаркасида вилотиимиздан 20 дан ортқ тадбиркорлик субъекти ўз маҳсулотлари билан иштирок этиб, 423 млн. 700 минг сўмлик олди-сотиди шартномаларини тузишди. Пойтахтдаги «Туркистон» саройида мамлакатимиз Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2005» кўрик-танловда Наманган шаҳридаги «Маш-Хим» масъулиятли чекланган жамият раҳбари Хайрулло Зиябоев «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича ғолиб, деб топилди.

Юртимизда амалга оширилаётган ислотларга муносиб ҳисса қўшишга интиляётган тадбиркорларга ҳар томонлама кўмак бериш, хусусан, улар билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин бўлган хорижий ҳамкорларни топшишда амалий ёрдам кўрсатиш палатамиз олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Бошқармаимиз саъй-ҳаракати билан ўтган йил кузида Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шаҳрида ўтказилган «14-халқаро ташқи савдо-иқтисодий ярмаркаси»да вилотиимиздан 10 нафар тадбиркор иштирок этди. Унда Наманган шаҳридаги «Кумуш тала» МЧЖ пилла чиқиндисини қайта ишлашчи ҳамда чинини буюмлар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил этиш юзасидан «Тангрэкут» экспорт-импорт компанияси билан келишув имзоланди. Пекин шаҳрида ўтказилган «Хитой замонавий табиий асбоб-ускуналар халқаро кўргазмаси»да вилотиимиздан табиёт соҳасида фаолият юритаётган 2 нафар тадбиркор қатнашди. 2005 йил 12 декабрда пойтахтдаги «DEDEMAN» меҳмонхонасида ўтказилган Ўзбекистон ва Корея ишбилармонлари учрашувига аъзоларимиздан 2 нафари иштирок этиб, Жанубий Кореянинг Йирек компаниялари билан амалий алоқалар ўрнатилган эришди.

— **2005 йил тадбиркорлар йили бўлди, дейиш мумкин. Чунки айнан ўтган йилда Президентимиз томонидан хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, ҳукуқий ҳимоялаш бўйича қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бошқарма уларни амалиётга татиқ этиш бўйича қандай тадбирларни амалга оширдилар?**

— Мамлакатимиз Президентининг бозор ислотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётини янада эркинлаштириш юзасидан қабул қилган фармон ва қарорлар мазмун-моҳиятини тадбиркорларга тушунтириш мақсадида кўргазмали семинарлар ташкил этилди.

Мазкур ҳужжат асосида яратилган қўлланмалар тарқатиб чиқилди. Ўз ишини энди бошлаётган тадбиркорларни, айниқса хотин-қизларни касбга йўналиштириш бўйича ўқув-амалий курслар ташкил этиш мақсадида вилотиимиз «Тадбиркор аёл» уюшмаси билан кўшма қарор қабул қилдик. Унга асосан Тўрақўрғон туманидаги «Лола», Чортқ туманидаги «Умид» аёллар маркази, Норин туманидаги «Нилуфар», Янгиқўрғон туманидаги «Тадбиркор аёл», Мингбулоқ туманидаги «Мохинобону ЧАМ» хусусий фирмаси ҳамда Наманган шаҳридаги «Саноат-Син-Дини» МЧЖ ўқув марказида «Мастер класс» деб аталувчи ўқув-амалий курсларининг биринчи босқичи юқори савиёда ўтказилди. Мазкур туманларда ўз ишини бошлаш ҳамда хунар ўрганиш истагини билдирган кам таъминланган oilalarдаги 150 нафар хотин-қизга тикучилик, тўқувчилик, пазандчилик каби касб сирларини ўргатилди.

Бошқарманинг «Экспортга кўмаклашиш, кўргазмалар ўтказиш, замонавий минитехнологиялар ва чет эл инвестицияларини жалб этиш» бўлими томонидан келгусида вилотиимизга чет эл инвестициясини олиб киришда дастлабки манба сифатида фойдаланиш мақсадида вилотиимизда 30 дан ортқ фаолиятли тўхтаб қолган ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотларининг иқтисодий, техник ва бошқа имкониятларини ўзидан акс эттирувчи суратли электрон «Техник тавсифнома» лар тайёрланиб, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига тақлиф-мълумот тарзида юборилди. Ўз навбатида ушбу «Техник тавсифнома» амалиётда фойдаланиш учун китобча шаклида чоп этилиб, тегишли ташкилотларга етказилди. Шундан ташқари, вилотиимизда озик-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхона ҳамда ташкилотларга чет эл инвестицияси, минитехнологияларни кириштириш мақсадида 10 дан ортқ корхонанинг инвестицион имкониятларини ўрганиш бўйича сўровнома ўтказилди ва шу асосда Ўзбекистон Фанлар Академияси иқтисодиёт институти билан ҳамкорликда вилотиимиздаги инвестицион имкониятларини чет эллик сармадорларга тақдим этиш юзасидан тавсиянома тайёрланаётди. Вилотиимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига чет эл инвестицияларини жалб этиш, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринларини яратиш мақсадида 246 та тадбиркорлик субъектининг лойиҳа-тақлифлари тайёрланиб, «2006 йил ҳамда 2007 йилнинг 1-чорагида кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб этиш» дастурига киритиш учун республика ҳукуматининг вилотиимиздаги ишчи комиссиясига тақдим этидик.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, вилотиимиз тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш ҳамда уларга зарур хом ашёларни олишда кўмаклашиш мақсадида бошқарма қоида республика Товар-хом ашё биржасининг «107 сонли савдо майдончаси» ишга туширилди. Бу қулайлик бугун ўз самарасини бера бошлади. Тадбиркорлар ўтган давр мобайнида 767,6 млн. сўмлик маҳсулот сотдилар ва сотиб олдилар.

Хулоса қилиб, айтганда, бошқармаимиз жамоаси мамлакат фаровонлиғи йўлида саъй-ҳаракат кўрсатаётган наманганлик тадбиркор ва ишбилармонларнинг чинакам таянчи ва суянчиғи айлланиш учун бор имкониятларни ишга соляпти.


# Газ — бебаҳо бойлик

ундан тежаб-тергаб фойдаланиш барчамизнинг бурчимиздир, дейди «Навоийгаз» корхонасининг директори Баҳодир Мансуров

Вилоятда бўлганимизда истеъмолчилар кейинги икки йил ичида газ таъминотида жиддий муаммолар юзага келмагани ҳақида мамнуният билан гапирдилар. 121291 хонадон ва 2116 та маиший хизмат кўрсатиш объектига мунтазам равишда табиий ёнилғи етказиб бераётган ҳудудий газ таъминоти корхонасининг 2005 йилдаги фаолиятига оид маълумотлар билан танишиб чиқганимизда, ушбу жамоа ҳақиқатан ҳам яхши натижаларни қўлга киритаётганига амин бўлдик.

### Шухрат ОХУНЖОНОВ, Шахзод НАЗАРОВ

— Умуман олганда, бугунги кунда вилотиимиз аҳолисининг 80 фоизи табиий газ билан таъминланган. — дейди Баҳодир Мансуров. — Бу ёмон кўрсаткич эмас. Жамоамиз ишчи-хизматчилари ўз вазибаларини сийдиришдан бажариш учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъмолчиларнинг фойдаланган табиий газ учун дебиторлик қарзларини босқичма-босқич қайтартириш тўғрисида» ги ҳамда «Коммунал хизматлар тарифларининг асосиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда уларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирларини тўғрисида» ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида жойларда маҳаллий ҳокимият органлари, Халқ банки, почта хизмати, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда доимий иш олиб бораёلمиз. Утган йил бошида мажбур дебитор қарздорликни тугатиш мақсадида ойлик, чораклик ва йиллик тадбирлар жаҳвали ишлаб чиқилиб, шу асосда иш



олиб борганимиз ҳам яхши самара берди. 2006 йилнинг 1 январь ҳолатига аҳоли корхонамиздан 118,3 млн. сўм қарз. Бу — ўтган йилнинг худди шу давридаги нисбатан бирмунча ижобий кўрсаткич. Бундан ташқари, бу қарзларнинг муддати ўтмаган. Киш ёқилғи-энергетика тармоғи учун анчайин мурак-

**...қишлоқлар аҳолисига ўтган йили 1460 тонна суюлтирилган газ етказиб берилди. Бу аввалги йилдагига нисбатан икки баробар кўпдир.**

каб давр ҳисобланади. Мавсумга ҳар йили жиддий тайёргарлик кўрилади. Акс ҳолда қутилмаган ҳолатлар юзага келиши ҳеч гап эмас. Бу йил ҳам қиш нисбатан каттик бўлишини инобатга олиб, 23,4 км. газ қувурларини мукамал таъмирдан чиқарилди. Натижанда ўтган мавсумда қийинчиликларга дуч келинган 20 та қишлоқда бу йил қишлов яхши ўтишига замин яратилди. Бундан ташқари, ўтган йил мобайнида вилотиимиз бўйича 131,5 км. масофага янги газ қувурлари тортилди ва 19 та қишлоқ аҳолиси табиий газ билан тўлиқ таъ-

тегишли қарорига мувофиқ чекка қишлоқлар аҳолисига ўтган йили 1460 тонна суюлтирилган газ етказиб берилди. Бу аввалги йилдагига нисбатан икки баробар кўпдир.

Мамлакатимиз газ захира-лари бой. Лекин иқтисод қилин-маса, ҳар қанча бойлик ҳам тез-да тугайди. Исрофгарчиликка йўл қўйилса, ҳар қандай бойлик ҳам завол топади. Шу боис бугунги кунда вилотиимиз қанча газ сарфланаётганини аниқ ҳисоб-китоб қилиш учун барча шарт-шароит яратилган. Янги газ туширилган 121587 та хона-дон, 2116 та коммунал хизмат кўрсатиш, 45 та саноат корхона-сининг барчасига ҳисоблагичлар ўрнатиладган ва бу борадаги режа 100 фоиз бажарилган.

Лекин ёқилғидан ноқонуний фойдаланаётганлар ҳам йўқ эмас. Уларга қарши жиддий чоралар кўриляпти. «Узнэфе-тегаз инспекция»нинг вилотиимиз билан ҳамкорликда мунтазам текширувлар ўтказиб турилибди. Ана шу рейдлар натижасида жойларда 200 га яқин истеъмолчи газ тармоғидан ноқонуний фойдаланиб келаятгани аниқланди. Улар томонидан етказилган жами зарар 6977727 сўмини ташкил этади. Ушбу ҳолатлар юзасидан тегишли ҳужжатлар тайёрланиб, уларнинг асосий қисми, яъни 6260750 сўми ундирилди. Қолгани билан туманлардаги филиаллари ходимлари шуғулланмоқдалар.

— Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, — дейди Баҳодир ака. — Табиат инъом этган бойликни талон-тароҳ қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Газ — халқимизнинг миллий бойлиғи. Ундан тежаб-тергаб фойдаланиш эса ҳар биримизни бурчимиздир.

Оила — давлат таянчи

Инсониятнинг маънавий камол топишида оила ниҳоятда муҳим ўрин тутлади. Унинг асосий негизи эса никоҳ ҳисобланади. Никоҳ фақат никоҳланувчиларнинг иши эмас, унинг замирида ижтимоий манфаат — қудратли давлатни бунёд этувчи янги авлод тақдири ётади, демак, буюк давлат тақдири оилада куртак отади. Истиклол маърифатининг нури даставвал ҳар бир хонадонни ёритмоғи лозим. Бугунги кунда фарзанд ўстираётган ота-она Ватан истиқболлини, миллат ва мамлакат тақдирини белгилаётган шубҳасиздир. Шундай экан, тарбия оилада маънавий муҳитни соғломлаштиришга хизмат қилиши зарур. Хукуматимиз томонидан никоҳнинг мустақкам бўлиши, соғлом авлоднинг дунёга келиши учун бир қатор қарорлар қабул қилинган. Бу эса жойлардаги ФХДЭ бўлимлари зиммасига катта масъулият юклаган.

Халқимиз учун янгилик. Айтинг-чи, бу жараён қандай кечади?

— Ёшлар никоҳдан ўтиш учун ФХДЭ бўлимига ариза берганларидан кейин, низомада белгиланганидек, ўзлари яшаётган худуддаги поликлиникага ўн беш кун ичида тиббий кўрикдан ўтиш учун юборилади. Улар бешта йўналиш (ОИТС, сил тери-таносил касалликлари, гиёҳвандлик, психоневрология) бўйича тиббий жиҳатдан текширилади. Бундан ташқари, бўлғуси келин-куёвларни кардиолог, уролог, терапевт ва бошқа шифокорлар ҳам назоратдан ўтказадилар. Тиббий кўрик натижалари сир сақланади. Касаллик аниқланса, дардди даволаш ёки келажақда унинг олдини олиш мақсадида беморга таъсир берилади. Хасталикнинг ривожланиш хавфи бўлса, бу ҳақда жуда эҳтиёткорлик билан билдирилади. Бундай ҳолатда, аввало, касаллиги аниқланган фуқаро билан суҳбат ўтказилиб, лозим топила, иккинчи томон ҳам хабардор

Никоҳга кирмоқчи бўлган фуқаро (ёшлар)га тиббий кўрикдан ўтиш ҳақида етарлича тушунчалар бериш лозим. Ҳар бир туманда шу ишга бириктирилган поликлиникалар ёшлар тиббий кўрикдан вақтида ўтишлари учун имкон даражасида шароит яратиб бериши даркор. Тиббий кўриқнинг мазмун-моҳиятини маҳаллаларда, олий ўқув юрталарида кенг тушунириб бериш керак. Ана шундагина юқори кўрсаткичга эришиш мумкин. Туманимизда бу соҳадаги ишлар яхши йўлга қўйилган. Қолаверса, бўлимимиз қошида ташкил этилган "Ёш оила" мактаби машғулларларида бўлажак келин-куёвларга тиббий кўриқнинг мазмун ва моҳияти кенг тушунтирилмоқда.

Ёшлар орасида маълум сабабларга кўра тиббий кўрикдан ўтишга улгурмагани ёки очикдан-очик бош тортишгани аниқланса, қандай йўл тутилади?

— Бундай вазиятлар ҳам учраб туради. Баъзида оила қурувчилардан бири ёки иккаласи белгиланган вақтда тўлиқ тиббий кўрикдан ўтиб улгурмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда уларга уч ойгача муҳлат берилади. Қачонки кўриқдан ўтишса, ўшанда никоҳ қайд қилинади. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунга қадар бўлажак келин-куёвларимиз орасида кўриқдан бош тортилганлар учрамади. Қолаверса, шу тартиб жорий қилинганлиги ота-оналар томонидан ҳам маъқулланапти. Чунки ҳамма ота-оналарнинг бирдан-бир орзуси ўз фарзандларининг соғлом оила қуришидир. Шунинг учун ҳам бу борада ҳозирча муаммо, ногиронлар ва ёши катталар ҳам тиббий кўриқдан ўтишлари шарт. Ҳозирги кунда никоҳ тузилишига тиббий кўриқдан ўтиш масаласи олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир. Утган йил якунига кўра, бўлимимизга никоҳга кириш ҳақида ариза билан мурожаат этган барча шахслар, нечачини никоҳ бўлишидан қатъий назар, тиббий кўрикдан юз фоиз ўтганлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Фарзанд оилавий мактаб орқали жамият талабларини чуқур англаб етади.

этилади. Агар томонлар ўзаро келиша олмадилар, никоҳ маълум муддатга қолдирилади. Низом талаблари никоҳланувчи шахсларнинг фуқароликдан қатъий назар, республика ФХДЭ органлари томонидан рўйхатдан ўтказиладиган барча никоҳларга жорий қилинади. Бундан қўра, умумий фарзандлари бор фуқаролар, ҳомиладор аёллар, ногиронлар ва ёши катталар ҳам тиббий кўриқдан ўтишлари шарт. Ҳозирги кунда никоҳ тузилишига тиббий кўриқдан ўтиш масаласи олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир. Утган йил якунига кўра, бўлимимизга никоҳга кириш ҳақида ариза билан мурожаат этган барча шахслар, нечачини никоҳ бўлишидан қатъий назар, тиббий кўрикдан юз фоиз ўтганлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Маълумки, қурилажак оиланинг соғлом бўлиши кўп жиҳатдан ирсиятга боғлиқ. Шунинг учун ҳам туғма касал болалар туғилишининг олдини олиш мақсадида ўтган йил бошидан никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш амалиёти жорий қилинди. Йил мобайнида 1264 та никоҳ қайд этилди. Жами 2528 нафар шахс кўриқдан ўтказилди.

Никоҳ олдилан кўриқдан ўтиш бизнинг

Соғлом оилани шакллантириш, баркамол авлод вояга етишини таъминлаш давлатимиз амалга ошираётган ижтимоий ислохотларнинг асосий йўналишларидан биридир, — дейди Мирзо Улғабек тумани ФХДЭ бўлими мудираси Барно Рўзиёва. — Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида низоми"ни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорининг ижроси йўлида туманимизда бир қатор ишлар қилинмоқда.



ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИДА

Эҳтиёт чоралари кўрилди

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида парранда гриппи билан боғлиқ ташвишли эпизоотик-эпидемик вазият юзага келди.

Мамлакатимизга парранда гриппи четдан кириб келишининг олдини олиш мақсадида қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудларда аниқ режа асосида зарур чоралар кўрилади. Жумладан, Навоий вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ҳамда вилоят давлат ветеринария бошқармаси томонидан кўшма чқра-тадбирлар режаси ишлаб чиқибли, иш шу асосда ташкил этилмоқда.

Ёрқул УМАР, Ўза мухбири

Парранда гриппига қарши кураш, унинг вилоят худудида кириб келишининг олдини олиш юзасидан Қозғистон билан чегарадош Конимех, Томди, Учқудуқ туманларида бешта кўчма божхона пости ташкил этилди. Шаҳар ва туманлардаги деҳқон бозорлари, паррандачилик билан шуғулланувчи фермер ва яқка тадбиркорлар орасида доимий назорат ишлари олиб боришмоқда. Ҳозиргача 6 минг киши парранда гриппига қарши эмланди. — Мутахассисларимиз гуруҳларга бўлиниб, жойларда иш олиб бораётилар, — дейди вилоят дав-

лат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачси Ғофир Умаров. - Бозорларда йўл қўйилган камчиликлар, белгиланган санитария-гигиена қоида ва меъёрларини бузганлиги учун 12 нафар бозор раҳбари, 2 нафар бозор ходими ва нисбатан маъмурий чора белгиланди. Бозорлар ҳудудида фаолият кўрсатувчи 187 нафар шахсга нисбатан жарима солинди ва 43 та объект вақтинча ёпиб қўйилди. Парранда гриппи ва бошқа юқмли касалликларнинг олдини олиш бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари кучайтирилмоқда.

ТАДБИР

Токиода Япония-Ўзбекистон дўстлик уюшмаси аъзоларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Япония сиёсатчилари, фан, таълим ва жамоат арбоблари, бизнес олами вакиллари иштирок этишди.

«Ўзбекистон сакураси» тақдим этилди

Аъзолари сони 7010 нафардан ошадиган, японияликларни ўзбек маданияти, тарихи, миллий қадриятлари билан яқиндан таништиришни мақсад қилган мазкур уюшма фаолияти икки давлат муносабатлари ривожига катта ҳисса қўшмоқда. Тадбирда Япониянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Киоко Накаяма Йиғилганларга «Ўзбекистон сакураси» номи китобини тақдим этди. Унда Ўзбекистоннинг бугунги кунини, тарихи, маданияти, ўзига хос аънавалари ҳақида сўз боради. Асар муаллифи ўз сўзида бу китоб ўзининг Ўзбекистонга бўлган меҳри рамзи эканлигини таъкидлаб, агар у икки халқ ўртасидаги алоқаларни мустақкамлашга хизмат қилса, ўзини ниҳоятда бахтиёр ҳис этишини таъкидлади.

Германияда ўзбек тили ўқитилади

Вилгелм номидаги Вестфал тилшунослик университети ва Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ташаббуси билан бир гуруҳ ўзбек олимлари ушбу мамлакатга ташриф буюрдилар. фал университети президенти Ж. Шмидт қабул қилди. Ташриф чоғида томонлар Вестфал университетиде ўзбек тили бўлимини, Ўзбекистон миллий университетида эса Вестфал университетининг филиалини очиб туғрисида шартнома имзоландилар. Сафар давомида делегациямиз аъзолари Мюнстер университетиде Ўзбекистондаги таълим тизими тақдироти йиғилишида, унда 150 нафардан зиёд олим, жамоатчилик вакиллари ва журналистлар иштирок этишди.



Соғлом авлод — соғлом келажак

Болалар спортига бугунгидек катта эътибор илгари ҳеч қачон бўлмаган, десак хато қилмаймиз. Андижон вилоятида ҳам жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, ёшлар онгиде соғлом турмуш тарзи ва спортга муҳаббат туйғуларини шакллантириш йўлида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, спорт спорт учун эмас, балки спорт саломатлик учундир. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали раҳбари Иқромжон Валиев бу хусусда муҳаббатимизга қуйидагиларни гапириб берди:

Аъзам ҚОДИРОВ

— Зиммамизга катта масъулият юклатилганлигини яхши тушунагимиз. Шу боис, аввало, моддий базани мустақкамлаш чоралари кўришмоқда. Ҳозиргача жамғарманнинг вилоят филиали ҳисоб рақамига ҳомийлар томонидан 603,8 млн. сўм маблағ туширилди. Вилоятда 160 та янги тўғрак очилди. Айни кунда уларга 4310 нафар бола жалб этилган. Шу ҳисобдан спорт тўғраклариде шуғулланувчилар сони 26490 нафарга етказилди. Яқунланган йилда Бўз туманида 5-типдаги спорт иншооти ва Асака туманида янги йўниғох фойдаланишга топширилди. Андижон, Булоқбоши, Улғунор, Балиқчи туманларидаги 19, 9, 2, 21-мактабларда спорт заллари, шунингдек, Андижон ва Олтинкўл туманларидаги 15, 37-мактабларда 5-типдаги спорт мажмуалари қурилиши ниҳоятга етказилди. Айни кунда Қўрғонтепа тумани Деҳқончек қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидеги 18-мактаб, Ҳужабод туманидаги 15-мактабда барпо этилаётган спорт залларида сўнги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Ушбу янги иншоотларни тегишли жиҳозлар билан таъминлаш ҳам керак. Шундай эмасми?

— Албатта. Бу борадаги ишлар режа асосида бажарилмоқда. Жумладан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ушбу

Корхона жорий йилда 450 млн. сўмлик маҳсулот сотган. Шундан 300 миллион сўми Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига тўғри келади.

Билим ўноқларига 15,19 млн. сўмлик жиҳоз ва анжомлар тўғра қилиди.

Ўтказилган спорт мусобақалари ҳақида ҳам тўғталсангиз.

— Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали соврини учун 2005 йилда Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаган ўтказилган белбоғли кураш мусобақаларида 1993-94 йилларда туғилган ёш спортчилар ўз имкониятларини синовдан ўтказдилар. Республика босқичида қатнашган вакилларимиз эса умумжамоа ҳисобида 1-уринни эгаллаб, вилоятга 8 та олтин, 6 та кумуш ва битта бронза медал билан қайтишди. Бундан ташқари, август ойида Избоскан, Балиқчи, Шаҳрихон, Бўз туманларида спортнинг муай-тай, белбоғли кураш, қаратанинг кю-кушин-қай, кик-боксинг, баскетбол, эркин кураш, шахмат, теннис турлари бўйича ташкил этилган бешлашуларда ҳам яхши натижалар қайд этилди. Таъкидлаш жоизки, 2005 йил 10-14 ноябрь кунлари пойтахтда

ақли заиф болалар ўртасидеги халқаро мусобақани ташкил этишда жамғарманнинг ҳиссаси каттадир. Унинг натижаларига кўра, гимнастикачи қизларимиз совринли ўринларни эгаллашди. Ақли заиф болалар эса 2 та олтин, 2 та кумуш ҳамда 7 та бронза медалларни қўлга киритишди.

Ҳеч кимга сир эмас: спортда ҳомийлар кўмагисиз сезиларли натижага эришиш бўлмайди. Бу борада қандай ташкилий ишлар амалга ошириляпти?

— "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Андижон шаҳар кенгаши вилоят спортини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Қолаверса, турли байрам ва шодиёналар муносабати билан спорт мусобақаларини ташкил этиш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш аънаъага айланган. Утган йили ўзаро ҳамкорликда 20 га яқин спорт мусобақаси ташкил этилди. Маҳаллаларда спорт секцияларини очиб, аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда кичик спорт майдончалари барпо этилиши ҳам рағбатлантиришми.

Айтинг-чи, вилоятда бевосита спорт асбоб-анжомлари ишлаб чиқарадиган корхоналар борми?

— Бор. Балиқчи туманидаги "Ҳўжаобод" масъулият чекланган жамият жамоаси 35 хилдаги спорт буюмларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Маълум бўлишича, буюртмалар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Корхона жорий йилда 450 млн. сўмлик маҳсулот сотган. Шундан 300 миллион сўми Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига тўғри келади.

"Тоғметалл" очик турдаги акциядорлик жамияти асдида пахта ва дон саноати учун турли хилдаги ускуналар ишлаб чиқаришга иҳтисослашган. 2005 йилдан эътиборан бу ерда спорт анжом-

лари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда вилоят халқ таълими тизимига 10 турдаги маҳсулот етказиб берилмоқда.

Қишлоқ мактабларида жисмоний тарбия дарсларини ўқитиш сифати талабга жавоб берадими?

— Савол жуда ўринли. Қишлоқ жойлардаги мактабларнинг аксарияти спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланмаган. Жисмоний тарбия дарсларини бошқа фан ўқитувчилари зиммасига юклаш ҳолати ҳам оз эмас. Спорт иншоотлари талабга жавоб берадими. Машғулотлар жараёни тиббий назоратга олинмаган. Болаларни, хусусан, қизларни спорт машғулотларига жалб этиш даражаси паст. Мавжуд камчиликлар бардараф этилмас экан, болалар спортини жадал ривожлантириб бўлмайди, албатта. Мутасаддилар бу хусусда жиддийроқ ўйлаб кўришлари лозим. Зеро, келажакимиз эгалари бўлган ёшлар катта эътибор ва ғамхўрликка лойиқдирлар.



«Озода» иш бошлади

Пойтахтимизда — метронинг "Халқлар дўстлиги" бекати яқинида аёллар учун юқори сифатли кийим-кечак, сумкалар, тақинчоқлар, атир-упа маҳсулотлари билан савдо қиладиган "Озода" дўкони фаолият бошлади. Бу ердаги барча маҳсулотлар нозик дидли, гўзал аёлларимизга мўлжалланган бўлиб, улар Швеция, Польша, Франция, Германия, Туркия, Бирлашган Араб

Амирликлари каби бир қатор хориж мамлакатларидан келтирилган. Ҳаридорлар дўконида ҳисоб-китоб тўловларини нақд пулга ёки банк пластик картчокалари воситасида амалга оширишлари мумкин. Телефон: 45-07-54.

Солиҳ ЗОИР олган суратлар.

КУЛАЙЛИК



АҚШ

# Шармандали сиёсат

## НАФАҚАТ АМЕРИКА, БАЛКИ ҚАТОР ҒАРБ ДАВЛАТЛАРИНИ ҲАМ ОБРЎСИЗЛАНТИРМОҚДА



АҚШнинг Европадаги махфий қамқоқонасида азоб чеккан Германия фуқароси

Дунёнинг кўзга кўринган ташкилотларидан бири — ҳуқуқни ҳимоя қилувчи "Human Rights Watch" (HRW) 2005 йил якунларига бағишланган ўз ҳисоботиغا аянага хилоф тарзда ўзгаришлар киритди. Кўп йиллар мобайнида асосий эътиборни Осиё ва Африкадаги можароларга, Хитой ва МДХнинг янги мустақил мамлакатларида рўй бераётган ҳуқуқ бузилишларига қаратиб келган мазкур ташкилот бу сафар АҚШ ва Ғарбнинг баъзи етакчи давлатларида инсон ҳуқуқлари бузилаётгани масалаларини кескин танқид қилди. Айни маъруза демократик қадриятлар ва инсон ҳуқуқларининг ҳимоячиси бўлишга даъво қилаётган қатор давлатларнинг ўзлари ушбу қадриятларни поймол қилаётганини яна бир қарра исботлади.

Шерзод ЭРАЛИЕВ

Маълумки, 11 сентябрдаги воқеалардан сўнг Ғарб давлатларида халқаро террорчиликка қарши кураш нибоби остида инсон ҳуқуқлари поймол қилина бошлагани кўпчилик мутахассислар томонидан эътироф этилган эди. Хусусан, Кубадаги Гуантанамо, Бағдоддаги Абу-Ғрайб қамқоқоналарида америкалик ҳарбийлар томонидан махбусларни таҳқирлаш ҳоллари бутун дунё жамоатчилигини ҳайратга солди. Негаки, узоқ йиллар мобайнида АҚШга инсон ҳуқуқлари ва демократиянинг раҳнамоси сифатида қараб келинди. Amnesty International, Human Rights Watch, IWPR каби Ғарбда номдор ташкилотлар эса кўпинча бу ҳолларга панжа ортидан қараб келган ҳеч қимга сир эмас. Лекин HRW ўзининг бу сафарги ҳисоботида АҚШ ҳукумати бежиз қораламаган кўринади. Маърузага илова қилинган матбуот хабарномасининг биринчи жумласидаёқ "2005 йилдаги

рисида хорижликларни сўроқ қилаётган америкаликлар учун мажбурий эмас, деган фикрни илгарди сурмоқда. Масаланинг бундай талкин этилиши америкаликларга Гуантанамо, Абу-Ғрайб қамқоқоналаридаги юридик ёрдамдан маҳрум юзлаб махбуслардан ўзларига қулай равишда "маълумот олиш" имконини бераётди. Сўнгги воқеалар ривожини шуни кўрсатадики, бундай қамқоқоналар қаторига ўтган йил сўнггида можароларга сабаб бўлган Европанинг айрим давлатларидаги махфий қамқоқоналар ҳам кирса, ажабмас. Шу ўринда Европа Иттифоқи ҳудудидида МРБнинг махфий қамқоқоналари мавжудлигини урганиш бўйича комиссия ўз ишини давом эттираётганини таъкидламоқ жоиз. Комиссияга раҳбарлик қилаётган швейцариялик сенатор Дик Марти бундай қамқоқоналарнинг ҳақиқатан ҳам мавжудлиги ҳақида ўзининг шахсий фикрларини билдирди.

HRW террорчиликка қарши курашда АҚШнинг энг яқин иттифоқчиси — Буюк Британияни ҳам қаттиқ танқид остига олади. Ўтган йил июль ойида Лондонда содир этилган террорчилик ҳаракатларидан кейин иммиграция сиёсатини кескин ўзгаришлар билдирган Британия ҳукумати кўплаб мусулмонларни депортация қилишга — ўз юртига қайтаришга киришди. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, ўзининг демократик аъёнларига риоя қилган ҳолда, Лондон кўплаб ўзга юртликларга, айниқса ўз юртида таъқиб қилинаётганларга бошпана бериб келган. Вазият шу даражага бориб етганики, радиокал исломий жангарилардан тортиб, ўта миллатчилар ҳам ушбу демократия оро-

лидан паноҳ топишганди. Энди Лондон радикал исломчиси, ёки оддий мусулмон — ҳаммасини ўз юртидан чиқариб юбормоқчи. Ўтган йили Буюк Британия бош вазири Тони Блэр, агар террорчиликка қарши кураш талаб этадиган бўлса, ҳатто инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунга ўзгаришлар киритишга тайёр эканлигини ҳам таъкидлади. Кўп ўтмай, мамлакат ички ишлар вазири Чарльз Кларк қиролик Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясидан чиқиши мумкинлигини айтди. Бу ҳам бўлса HRW маърузасидаги фикрлар бежиз эмаслигини, аксинча асосли далиллар билан тўлдирганини кўрсатади.

Бугун Ғарбдаги баъзи давлатлар, айниқса АҚШ маъмурияти инсон ҳуқуқлари масаласида "қилганими эмас, айтганими қилгани" қабилида иш тутмоқда. Бундай иккиюзламачилик сиёсати АҚШнинг дунёдаги обрўсини қундан-қун туширишга ва унга қарши кайфиятдагилар сонининг ортишига олиб келмоқда, ҳолос. Вашингтон сиёсатига кўр-кўрона эргашган Европа давлатлари ҳам ана шундай ўйланмаган сиёсатни қўллаб-қувватлагани учун ўзларига билдирилган ишонччи йўқотиб бормоқдалар.

Ўз давлатларининг бундай хато сиёсат олиб бораётганини кўплаб ғарбликлар ҳам фахрлаб қолдилар. Жумладан, HRW директори Кеннет Росс "АҚШ ва Европа давлатларининг бундай сиёсат олиб бориши уларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги етакчилигини йўққа чиқаради, террорчиликка қарши курашда мағлубият келтириши билан бир қаторда бошқа мамлакатларда Ғарбга нисбатан нафрат туйғусини уйғотади... Инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва террорчилар ҳужуми таҳдиди солаётган одамлар хавфсизлиги учун Вашингтон ўзининг шармандали сиёсатини тубдан ўзгариши керак", дея хулоса чиқаради.

Буш маъмурияти бу танқидлардан кейин ўз сиёсатида ўзгариш киритадими ёки йўқми — бу мавҳум масала, албатта. Лекин жамоатчилик ўзгаларга демократияни мажбуран тиқитириб бўлмастлигини, ҳар бир халқнинг ўз миллий қадриятлари ва аъёнларидан келиб чиқадиган демократияси мавжудлигини тушуниб етмоқда. Бундан 2000 йил муқаддам буюк Цицерон "Урф-одатлар қонундан кучли", деб айтганида минг бора ҳақ эди.

РОССИЯ

Кейинги пайтларда МДХ мамлакатларида нодавлат нотижорат ташкилотлар ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар кун тартибидан тушмай қолди. Чунки бундай ташкилотларнинг айримлари хорижий грантлар ҳисобидан озиклибди, кўпинча ўз низомларига зид равишда ҳомийларнинг ногорасига ўйнамоқда. Хусусан, Грузия, Украина ва Қирғизистондаги рангли тўнтаришларда ана шундай кучларга таянилди. Шу боис Россия ҳукумати ноҳукумат ташкилотлар тўғрисидаги қонунни қабул қилган, бироқ қутилганидек, Ғарбнинг кескин танқидига дучор бўлган. Бироқ юз берган қуйидаги воқеа қонун вақтида қабул қилинганини исботлади.

# Миси чиққан иғвогарлик

## ЁКИ ЯНА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР ХУСУСИДА

Абдували СОЙБНАЗАРОВ

Россия махсус хизмати Буюк Британия элчихонасининг Москвада ғаламислик ниятида разведка фаолиятини олиб борган қатор ходимларини аниқлади. "Россия" телеканали "Махсус муҳбир" дастурида тезкор тарзда суратга олинган кадрларни, шунингдек, мазкур дипломатларнинг Россияга қарши жосуслик фаолияти олиб борганликларини исботловчи ФХХ ходимларининг изоҳларини намойиш этди. Россия махсус хизматида энг аввало 4 нафар дипломат — Британия разведкасининг Россиядаги расмий вакили ёрдамчиси Пол Кронтон, элчихонанинг иккинчи котиби, қиролик Ташқи ишлар вазирлиги хузуридаги "Глобал имкониятлар жағмармаси" ҳамда айрим рус ноҳукумат ташкилотлари масалалари билан шуғулланувчи Марк Доу, архивчи котиблар Кристо-

фер Пирс ва Эндрю Флемминг қизиқиш уйғотган. Дастурда таъкидланишича, Доу орқали айрим ноҳукумат ташкилотларга, жумладан, Москвадаги Хельсинки гуруҳига ва "Евроосиё" жағмармаси ҳисобига пул тушиб турган. Доу имзоси билан ноҳукумат ташкилотлар ҳисобига туширилган жуда катта маблағлар ҳужжатларининг нусхалари эфирда кўрсатилди. Бугунги кунда Россия Федерацияси ҳудудига минглаб ноҳукумат ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлса, улардан атиги 92 таси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган ҳолос.

ФХХнинг матбуот котиби Диана Шемякинанинг таъкидлашича, Россиядаги ННТларнинг аксарияти АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари ҳукуматлари ёки жамоатчилик ташкилотлари маблағлари эвазига фаолият кўрсатмоқда. Энг ёмони — ўзини Россиянинг дўсти деб атаётган Ғарбнинг бу мамлаката махсус хизматлар тарихида илк бор Москвага қарши айриоддий техник воситаларни ишлатган. Эътибор беринг: 2005 йилда элчихона ходими Кристофер Пирс Москва чеккасидаги хиёбонлардан бирига маълумот олиш ва узатиш имконини берувчи ичига махсус қурилма ўрнатилган тошни келтирган. ФХХ тезкор ходими берган маълумотларга кўра, Британия разведкасига ёлланган Россия фуқароси белгиланган вақтда хиёбонга келиб, ахборотни кўча компьютердан тошга жойланган аппаратга узатиб турган. Орадан бироз вақт ўтиб, тош олдидан ўтган британиялик жосуз чўнтак компьютери ёрдамида маълумотларни йиғиб оларди. Аппарат тош ичига шу қадар моҳирлик билан жойланганки, уни фақат рентген нурлари ёрдамида аниқлаш имкони бўлган. Контрольдагилар томонидан қўлга олинган Россия фуқароси айни пайтда кўрсатмалар бера бошлаган. Мана шундай ҳамма нарса ошкор бўлиб турган шароитда ҳам Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги "Россия" телеканали тарқатган маълумотдан ташвишдалиги ва ажабланишини яширмади. Мухими, — ФХХнинг тезкор ходимлари Доу имзоланган тўлов қоғозлари мавжудлигини ҳам исботлашди. Жумладан, мазкур ҳужжатлар кам ҳудудда чиқадиган мустақил газеталарни ривожлантириш учун Москвадаги Хельсинки гуруҳига 23 минг фунт, "Евроосиё" жағмармасига 5 миллион 719 минг фунт стерлинг берилганини исботлаб турбди.



ЯПОНИЯ

# Эҳтиёжми ёки...

Япониянинг ҳукмрон Либерал-демократик партияси мамлакат Конституциясидан қуролли кучларга эғалик қилишни таъқиқловчи бандни олиб ташлашни тақдир этипти. Улар "Мамлакатда ҳеч қачон қуруқлик, денгиз ва ҳарбий-ҳаво кучлари ва бошқа уруш воситалари сақланмайди" деган ибора ўрнига миллий армия ташкил этишни қонунийлаштирувчи банд киритишмоқчи.


Айни пайтда собиқ бош вазир Йосиро Мори раҳбарлигидаги ҳукумат қўмитаси мамлакат асосий қонунини ўзгариши соҳасида ишламоқда, деб ёздади "Взгляд" газетаси.

Иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учраган Японияда 1947 йилда америкалик раҳнамолигида янги Конституция қабул қилиниб, унга кўра мамлакат ўз армиясига эғалик қилишдан абадий воз кечиши таъкидланган. Бугун эса японларнинг аксарияти қисми мамлакатнинг ўз қуролли кучлари бўлиши зарур, деб ҳисобламоқда.

40-йиллар охирида америкаликлар японларни нафақат қуролли кучлардан, балки ҳарбий санат ҳамда конструкторлик мактабидан ҳам маҳрум этган. Шунинг учун ҳам яқин-яқингача Япония мудофаа кучларидаги қурол-яроғ ва ҳарбий техниканинг 90 фоизи АҚШда ишлаб чиқарилар эди.

Шунга қарамайдан, 70-80 йилларда японлар ҳарбий санат соҳасида ҳам ўз илғор конструкторлик маҳоратларини намойиш эта олдилар.

1996 йилдан ишлаб чиқарилаётган Kawasaki T-4 самолётлари японлар фаҳри-



га айланди. Япон корпорациялари эса мамлакат мудофаа кучлари учун сўнгги ўн йил мобайнида умумий қиймати 15 млрд. АҚШ долларига тенг қурол-яроғ ишлаб чиқарди.

Шу пайтгача фақат мудофаа учун ишлатиладиган қуроллар ҳақида гап кетарди. Энди эса япон генераллари ҳужумни амалга ошириш учун қўлланиладиган қуроллар яратиш ҳақида ҳам бош қотирмоқдалар. Энг яқини ҳимоя ҳужум эканлигини ёддан чиқармаган мамлакат ҳукумати ҳаракат радиуси бир неча юз километрга етадиган "ер-ер" туридаги бошқарилувчи қанотли ракеталар яратиш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга киришди. Уларни эса беш йил ичида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бу дастурга илк ҳисоб-китоблар бўйича каммида 2,5 млрд. АҚШ доллари миқдорда маблағ сарфланиши режалаштирилмоқда. Бироқ расмий Токионинг бундай интилишлари Узоқ Шарқ минтақасида қуролларни поёғасини авж олдириш ҳамда ҳарбий мақсадларга кўпроқ эътибор қаратишга хизмат қилиши мумкин. Аммо шунга қарамай, аҳолининг аксарияти қисми бундай улкан маблағ талаб қилувчи дастурга рози бўлаётган қуринади. Ўтган йил октябр ойида "Asahi" газетаси ўтказган сўровга фуқароларнинг 52 фоизи Шимолӣ Кореянинг, 36 фоизи эса Хитойнинг Японияга ҳужум қилиши мумкинлигидан хавотирда эканликларини билдирганлар.

ХОЛИС БАҲО

МОЖАРО

ЭСТОНИЯ

# Президент оиласидаги машмаша

Ғарбий Европа ва АҚШ Болтиқбўйидаги уч мамлакатга азалдан маданиятли, демократик қадриятлар хурмат қилинадиган давлатлар сифатида қарарди. Бироқ яқинда президент оиласида юз берган кўнгилсиз воқеа бу минтақадаги давлатларда ахлоқ ва маънавий ишлар чатоқлигини кўрсатди.

Махмуд ИЛҲОМОВ

Жаҳон оммавий ахборот воситалари, хусусан, Би-Би-Си хабар беришича, Эстония раҳбарининг икки нафар ҳали воёга етмаган набираси президент саройида тунги зиёфат ташкил этган. ЕТВ телеканали орқали Кадринорг саройидаги 15 яшар Хелена ва 13 яшар Мариянинг қушқонга сиймайдиган қилиқларининг кўрсатилиши катта шов-шувларга сабаб бўлди. Базм ишти-



роқчилари томонидан суратга олинган воқеалар кейинчалик "Шоҳид" теледастури бошловчиларининг қўлига келиб тушган. Лавҳа орқали ёшларнинг нафақат яшаш қошоналарида, балки саройнинг кириш мумкин бўлмаган бошқа залларида ҳам кайф-сафо қилганлари (спиртли ичимликлар ичишган, чилим, ҳатто наша чекишган) аён бўлди. Дастурда қатнашган ўсмирнинг айтишича, бебош болалар хизмат хоналарида бемалол изғишган, олий даражадаги хорижий меҳмон-

ларни қабул қилишга мўлжалланган зал ҳам "шоу"-дан четда қолмаган. Энг ёмони — давлат раҳбарининг икки набираси ва уларнинг шериклари томга чиқиб, давлат байрогининг ёнида пешоб қилиш ва уни

йиртишдан ҳам тап тортишмаган. Намойиш қилинган лавҳалар президент ва унинг аτροφидигиларни уятга қўйди. Арнольд ва Ингрид Руйтеллар эстон халқига мурожаат қилиб, набираларининг хатти-ҳаракатлари учун кечирим сўрашди. Мамлакат ички ишлар вазири Калле Лаанет эса полиция ва президент саройининг ички кўриқчилари фаолиятини текишириш ҳақида фармойиш берди.

Шу йилнинг куз фаслига мўлжалланган президентлик сайлови аτροφидидаги баҳс-мунозаралар кучайган бир пайтда лавҳанинг намойиш этилиши Руйтеллар хонадонининг обрўсини тушириб юборди. Масаланинг яна бир томони шундаки, тўполон жаноб Руйтелнинг АҚШга ташрифи чоғида рўй берди.

КУРАШ

# Олий мақсад сари

29-30 январь кунлари Греция ва Буюк Британияда кураш бўйича Ислон Каримов номидаги халқаро турнирлар бўлиб ўтади

Маълумки, кўп асрлик тарихий йўлни босиб ўтган миллий спорт туризмиз — курашга Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ шахсан Юртбошимиз ташаббуси билан иккинчи ҳаёт бахш этилди. Ўтган минг йилликнинг охирида ҳуқуқий жиҳатдан халқаро спорт тури мақомига эга бўлган мазкур азалий қадриятимиз қисқа фурсат ичида оммавийлашиб, бугун ҳақиқатан ҳам яккакурашнинг янги тури сифатида бутун дунё бўйлаб ёйилди.


Шухрат ХУҲАЕВ

Зеро, шу ҳафтанинг шанба ва яшанба кунлари Европанинг бирданга икки мамлакатда, яъни Греция ва Буюк Британияда ўзбек кураши буйича Ислон Каримов номидаги анъанавий халқаро турнирларнинг ўтказилиши юқорида айтилган фикрларни яна бир бор тасдиқлайди.

Халқаро кураш ассоциацияси (ХКА) матбуот хизматида хабар беришларича, 2006 йили кураш бўйича халқаро бўлиб ўтказилган 30 тадан ортиқ мусобақа ўтказиш режалаштирилган. Улар орасидан Пан-Америка (2-5 февраль, Санто-Доминго), Африка (2-3 июль, Йоханесбург), Осиё (26-27 август, Кобул) ҳамда Европа (10-12 ноябрь, Истанбул) чемпионатлари, шунингдек, Пахлавон Маҳмуд (15-16 апрель, Хива) ва Ражив Ганди (18-19 ноябрь, Деҳли) номидаги хотира турнирларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мусобақаларга бой мавсум эса, юқорида айтиб

ўтганимиздек, 29 январь куни ХКА фахрий президентининг жаҳон спортга қўшган ҳиссаси учун унинг номи билан аталган икки турнир билан бошланади. Жумладан, Грециянинг Салоники шаҳрида иккинчи марта ташкиллаштирилган ана шундай спорт тадбирида йигирмадан ортиқ мамлакатнинг мутлақ вазнли қарийб 120 нафар полвони иштирок этса, Англияда олтинчи марта ўтказилаётган анъанавий турнир совринлари учун ўндан ортиқ мамлакатдан ташриф буюрган 100-110 нафар спортчи кураш олиб бориши кутилмоқда. Эътиборли томони шундаки, туманли Альбионнинг Ситтинборг шаҳрида ўтказилажак турнирда кекса ёшдаги фахрийлардан ташқари болалар ва ўсмирлар (5 ёшдан 16 ёшгача) ҳам қатнашадилар. Таъкидлаш жоиз: бу йил бўлиб ўтадиган турнирларнинг ярмидан ортиги айнан болалар, ёш йигит-қизлар ўртасида



ташкиллаштирилади. Бошқача қилиб айтганда, Ислон Каримов номидаги, шунингдек, "Олимпия умидлари" (11 февраль, Тель-Авив) халқаро турнирлари ёхуд ёшлар (19-22 октябрь, Санто-Доминго) ҳамда ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатлари (21-22 апрель, Анкара) сингари йирик мусобақаларда ҳар йили юзлаб янги номлар кашф

этилмоқда. Бу эса айни пайтда бутун дунёда ўзбек курашига меҳр қўйиб, яқин келажакда у билан бажонидил шуғулланишга тайёр янги авлод шаклланиб келаётганидан далолатдир. Ажабмас, шу тариқа олий мақсадимиз аста-секин рўёбга чиқиб, миллий спорт туризмиз Олимпия ўйинлари қаторидан жой олса.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

**ҚҲЙ.** Анча аввал ишлаб чиқилган лойиҳалару тузган шартномаларингиз энди фойда бера бошлади. Тўсатдан қимматли маслаҳатлар берган ҳамкорларингиз сизни хурсанд қилишлари кутилмоқда. Яқинларингиз томонидан ажратилган моддий ёрдамни фақат оилангизга ишлатинг.

**БУЗОҚ.** Ишхонадаги мартабангизни янада яхшилаб олиш учун янги алоқалар ўрнатишга мажбур бўласиз. Таҳрибали ҳамкасбларингизга тақдир қилишни ўзингизга ор деб билманг. Аммо фақат ишхона ташвиши билан "яшаб" ҳам қолманг. Кўпроқ дам олинг. Спорт билан шуғулланг.

**ЭГИЗАКЛАР.** Танқидларни тўғри қабул қилишни ўрганинг. Ҳафта давомида сизда бир неча марта улардан тўғри хулоса чиқариб, ҳатоларингизни вақтида тузатиш учун имконият туғилади. Спиртли ичимликларнинг яқинига ҳам йўланманг. Ҳар нарсага асабийлашаврманг.

**ҚИСҚИЧАҚА.** Раҳбариятнинг сизга нисбатан қўйган талабларидан норози бўласиз. Аммо шундай бўлса ҳамки, ҳафта давомида ишбилармонлик ва тadbirkorлик қобилиятингизни тўлиқ-тўқис намоиш эта оласиз. Уйлаб қўйган лойиҳаларингизни ҳовлиқиб атрофдагиларга ошқор қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлинг.

**АРСЛОН.** Молия билан боғлиқ баъзи бир муаммоларингизни қимматбахо буюмларингизни сотибгина ҳал қиласиз. Пул тиқиш шартли билан тақдир қилинадиган янги ишларга етти уйлаб бир кесган ҳолда аралашинг. Эҳтиёт бўлинг: сизда гинаси бор танишингиз аламини олиш пайида юрибди.

**ПАРИЗОД.** Тақдир совғаси билан сийланишингиз кутилмоқда. Юлдузларнинг башорат қилишича, яқин яшайтган "Паризод"лар орзу қилган жуфтларини учратадилар. Мухими — улар бир-бирларига ҳар томонлама мос келадилар. Уйингиз муҳим шартномалар имзоланадиган масканга айланиши мумкин.

**ТАРОЗИ.** Ёзув-чизув билан боғлиқ ишлар ёрдамида катта даромад оласиз. Ҳамкорлар билан муомала чоғида ишни кўпроқ кулги-табассум билан ҳал қилиш пайида бўлинг. Ҳафта давомида кўчмас мулк билан шуғулланган "Тарози"лар ютқазмайдилар.

**ЧАЁН.** Одамлар билан кўпроқ муомалада бўлишга ҳаракат қилинг. Шундагина моддий аҳолинингизни яхшилаб оласиз. Мабодо, шунда ҳам бек кўчадан чиқа олмасангиз, яқин дўстларингиздан ёрдам сўранг. Қариндошларингиз билан эса, ақсича, айнан пул билан боғлиқ муаммолар вужудга келгани боис, ўзаро низо-жанжал келиб чиқиши мумкин.

**ЎҚОТАР.** Дунёқарашингизни доимий равишда кенгайтирган ҳолда ён-атрофингизда руй бераётган воқеа-ҳодисалардан воқиф бўлиб ўришга ҳаракат қилинг. Яқинларингиздан ажойиб совға олишингиз кутилмоқда. Ишқий муносабатлар борасида катта ютуқларга эришасиз. Соғлиқингиз ва оилангизни эътибордан четда қолдирманг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Маълумот тарқатиб, катта даромад олиш имкониятига эга бўласиз. Ушбу ҳафтага мўлжаллаган хизмат сафарини кейинроққа қолдирганингиз маъқул. Яхшиси, тўпланиб қолган уй-рўзгор билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиб олинг. Шундагина ҳафта охирида мириқиб дам олишингиз учун қулай шароит пайдо бўлади.

**ҚОВГА.** Касбий фаолиятингиз доирасида ҳафта сиз учун омадли келди. Боини, юлдузлар бир оғиз сўз билан бутун жамоани сақлаб қолишингиз мумкинлигини башорат қилмоқда. Аммо ҳис-туйғуларга боғлиқ муносабатларда яқин кишингиз билан катта муаммоларга дуч келишингиз хавфи борлигини ҳам унутманг.

**БАЛИҚ.** Пулларингизни беқорга ишлатманг. Лотереядан бирор нарса чиқишига умид қилмасангиз ҳам бўлади. Танишларингизни ишга солиб, мақсадларингизнинг барчасига етишингиз кутилмоқда. Жисмоний машқларни қанда қилмасликка одаланинг.

ЛАТИФАЛАР

Бир одам дорихонадан чиқиб кетаяпти. Уни аптекачи қувиб етиб, шоша-пиша сўради:  
— Кечирасиз, ҳозир сиз мендан кальций глюконат сотиб олдингиз-а?  
— Ҳа, нима эди?  
— Уни қайтариб беринг.  
— Нега?  
— Мен сизга адашиб заҳарли олтингурут ксилотасини бериб юборибман.  
— Лекин мен уни ичиб бўлдим.  
— Бўлмаса, тезроқ яна 410 сўм тўланг!

Икки янги рус бир-бирига ўз соатини мақтаяпти:  
— Менинг "Картъе" соатини сенинг "Тиссо" соатингдан ўн баробар қиммат туради.  
— Қиммат бўлса нима бўлти? Мана, қара, меники сеникидан ўн баробар тез юрапти.

Шифокор беморга мурожаат қилаяпти:  
— Менда сиз учун иккита янгилик бор: бири яхши, бири ёмон. Ёмондан бошлайман: кеча соғ оёгингизни кесиб ташлабмиз.  
—!...  
— Яхши янгилик ҳам бор: жароҳатланган оёгингизни даволаса бўлар экан...

Хотин:  
— Бугун нега уйда тунамадингиз?  
Эр:  
— Эй Худо! Ўн йилдан бери ҳар кун эрталаб нукул шу саволини беради-а!


Чуққа аэропорт кассасидан сўраяпти:  
— Чуқоткагача самолёт қанча вақт учади?  
— Бир дақиқа.  
— Раҳмат.

**«ПАХТА БАНК»**  
ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

# Яна ҳаммаси бошқатдан...

Россиялик мутахассис Валерий Непомняший футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоси бош мураббийи этиб тайинланди

Ушбу муносабат билан 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олимпия қўмитаси биносининг мажлислар залида Ўзбекистон Футбол федерацияси (ЎФФ) мутасаддилари, мураббийлари, мутахассислар ва журналистлар иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.



тўхталадиган бўлсам, бир неча кунлик кузатувларим асосида термада, жумладан, унинг асосини ташкил этган "Пахтакор"да кўзлари оловдек чакнаб турган, нисбатан ёш истеъдодли футболчилар мавжудлигини айтишни мумкин. Қолаверса, тажрибали Миржалол Қосимовнинг ўз

Дадаввал ЎФФ вице-президенти Бахтиёр Раҳимов миллий терма жамоасининг бош мураббийи лавозимига россиялик Валерий Непомняший лойиҳа деб топилгани ва матбуот анжумани арафасида мураббий ҳамда федерация ўртасида икки йиллик шартнома имзоланганини маълум қилди.

га тақдир қилганларга миннатдорлик билдириб, жаҳон футболда ўзига хос ўринга эга бўлган Ўзбекистон терма жамоаси билан кўзланган мақсадларга эришишдан иборат вазифани қўлидан келганича бажаришини маълум қилди. "Тўғри, ЎФФ билан музокара билан бошланмасдан аввал Хитой ва Корея клубларидан янги тақдирлар ташаббуси эди, — деди В.Непомняший. — Аммо мен яхшилаб ўйлаб қўриб, ўзимга яқинроқ бўлган юрт вакиллари билан ишлашни лозим топдим. Нима бўлганда ҳам шу тупроқнинг тузини еб катта бўлганман... Жамоадаги муаммоларга

фаолиятини яқунлаши терма жамоа ўйинлари аҳолига таъсир этмай қолмаслиги аниқ. Шундай экан, 5 февралда бошланадиган ўқув-йиғинларга кимларни жалб этишни аллақачон ўйлаб қўйганман. Айтайлик: МДХ кубоги ўйинларида Сервер Жепаровнинг ҳаракатларини таҳсинга сазовор, деб баҳолаган бўлардим".

Янги мураббий биринчи навбатда ўз олдига Осиё кубоги ўйинларида қониқарли натижага эришиш, асосийси, агар вазият тақозо этса, кейинги жаҳон чемпионати йўланмасини қўлга киритишни мақсад қилиб қўйганини билдирди.

Шу ўринда Туркманистоннинг Ашгабад шаҳрида туғилиб, бу йил 62-ёшини қаршилайдиган В.Непомняший ХХ асрнинг 60-йилларида ҳарбий хизмат вазифасини ўтаётган пайтда Самарқанд шаҳрининг бир неча жамоаси таркибидан тўп сурганлигини айтиб ўтиш лозим. 1990 йили эса Италия майдонларида ўтказилган жаҳон чемпионатида бош мураббий сифатида Камерун терма жамоасини 1/4 финалга олиб чиққан Непомняший камерунликлар томонидан миллат қахрамони деб эътироф этилди. Зеро, ўшанда Камерун термаси бундай юқори натижага эришган Африка давлатларининг дастлабкиси эди. Ундан сўнг терма жамоамизнинг бугунги устози Туркия, Жанубий Корея, Япония, шунингдек, Хитойнинг бир неча жамоаларини бошқариб, мазкур клублар билан қатор совринларни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Эслатиб ўтиш жоиз: Непомняший бош мураббий сифатида Ўзбекистон миллий терма жамоасини илк бор 22 февраль куни Бангладеш термасига қарши (Осиё кубоги саралаш босқичи доирасида) майдонга олиб чиқади.

МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ

ЯНГИ МУРАББИЙ

РЕКЛАМА

**Моя мечта**  
FEBP Oltin medall Geneva 2005  
"TOSHKENT YOG-MOYKOMBINATI" OAJQK  
MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN

Республика Кўчмас мулк биржаси ва  
«Kim oshdi savdolari» агентлиги — яқин бизнес ҳамкорингиз!  
Биржа савдолари душанба, чоршанба ва жума кунлари ҳамда аукцион савдолари пайшанба кунлари ташкил этилади.  
«КўЧМАС МУЛК-КЕТМАС ДАВЛАТ»  
Маиллимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Ураббоев кўчаси, 1-Ан уй.  
Телефонлар: 399-80-26, 136-15-28, 399-80-23; факс: 136-26-26. www.rkmb.uz

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ**  
**КЕНГАШ РАИСИ**  
Мухаммадюсуп ТЕШАБОВ

**КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ**  
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ  
Адхам ШАДМАНОВ  
Ақром АЛИМОВ  
Маҳаматжон АХМЕДЖАНОВ  
Мухаммадилхон ЙЎЛДОШЕВ  
Аъзамжон РАҲМАНОВ  
Абдуваҳоб ИМОМАЛИЕВ  
Бахтиёр ЁҚУБОВ  
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ  
Илхом НАСРИЕВ  
Мансур ЗОКИРОВ  
Мухлиса АҚРАМОВА  
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ  
Равшан ОХУНОВ  
Раҳматилло КАМОЛОВ  
Раҳмон ҚУЧҚОР  
Сунатулла УМАРОВ  
Сирождин САЙИД  
Шухрат НОРГИТОВ  
Шухрат ОРИПОВ  
Қиёмиддин НАЗАРОВ  
Қобилжон ТОШМАТОВ  
Туланбой КАРИМОВ  
Эркин ТОШЕВ

**ТАҲРИРИЯТ**  
Абдували СОИБНАЗАРОВ  
Маркс ЮСУПОВ  
Зумрад АБРОРОВА  
Носир ТОШЕВ  
Ориф ЎЛМАСОВ  
Тоҳир МАЛИК  
Темур АБДУРАҲМОНОВ  
Тоҳир МИРҲОДИЕВ  
Улугбек ЮСУПОВ  
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА  
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ  
Шаҳзод НАЗАРОВ

**МАТН ТЕРУВЧИЛАР**  
Нигора ДЖУРАЕВА  
Замира АҲМЕДОВА

**БЎЛИМЛАР**  
ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-64-80  
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАЛОИЯТИ 55-43-57  
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 55-70-16  
АХБОРОТ ВА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ 55-70-16  
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНААТ 55-68-50  
ХАТЛАР, ШИКоятЛАР ВА ТАҲЛИЛ 55-70-16

Навбатчилар:  
Т. МИРҲОДИЕВ,  
К. ҚУЛДОШЕВ.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.  
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Тўрон» кўчаси, 41.  
Буюртма рақами: F-370.  
Тиражи: 13228

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.  
«XXI ASR» иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигини 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.  
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нур» кўчаси, 73-уй.

ЭЛЕКТРОНПОЧТА:  
axborotXlas@yahoo.com  
XXI.ASR@yahoo.com

«XXI ASR» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.  
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУХАРРИР  
Миродил АБДУРАҲМОНОВ.

XXI ASR

БИЗНЕС  
ҲАМКОРЛАРИМИЗ  
«ASR»

ЕКСПРЕСС-MEDIA  
НОШИРЛИК ҲАМ  
ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.

Mila PRESS  
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ  
Тел: (998-71) 151-29-52.  
E-mail: milapress@yahoo.com

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI  
Тошкент шаҳар, Мовароуннахр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61; Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz; E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz

MULKDORGA HAMKOR